Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 171 (20. 438) • 1989 йил 22 июль, шанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда сўзлаган якунловчи нутқи

Ўртоқлар! Марказий Комитетдаги кенгашда энг муҳим масала — қайта қуришнинг ҳозирги жуда муҳим ва масъулиятли босқичида КПССнинг фаолияти тўғрисидаги масала юзасидан бўлиб ўтган суҳбатдан мамнуният изҳор этсам, ҳамманинг фикрини билдирган бўламан, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан аввал бошдаёқ бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Баъзи ўртоқларнинг мана шундай фикрлашувлар етарли бўлмади, деган маънодаги фикрлари менга унчалик тушунарли эмас. Ҳозир биз ҳар икки ойда, баъзан эса ҳар ойда Марказий Комитетнинг Пленумларини ўтказаётганимизни эслатмоқчиман. Бу Пленумларда биз қайта қуриш деб атаётган буюк революцион ишнинг амалда ҳамма жиҳатлари муҳокама қилинмоқда.

Аслида, Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан бошлаб ўтказилган Пленумларнинг ҳар бири жамиятимизни чуқур билиб олиш сари силжиш йўлидаги янги қадам бўлди. Мана шу таҳлил ва янги билимлар асосида янгича ёндашувлар ишлаб чиқилди, жамият турмушининг барча соҳаларидаги янги қадамлар чамалаб кўрилди. Мен ҳар бир Пленумни жуда юқори баҳолаган бўлур эдим, уларнинг ҳар бири осонликча ўтказилгани йўқ, уларнинг ҳар бири катта коллектив меҳнатининг натижаси бўлди.

1987 йилдаги январь ва июнь Пленумларини эса олайлик, уларда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар концепцияси ишлаб чиқилди ва биз ҳали ўша Пленумларда белгилаб берилган режаларнинг ҳаммасини ҳам амалга оширганимизча йўқ. 1988 йилги февраль Пленумида қайта қуришни мафкуравий жиҳатдан таъминлаш масалалари, бу ишнинг умумий йўналишлари хусусида бафуржа гаплашиб олинди. Шу йилги март Пленуми партиянинг аграр сиёсатида муҳим босқич бўлди. Янги Пленумларга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ички партиявий фаолият, партия турмуши масалалари, эҳтимол, етарли равишда кенг ва коллектив бўлиб муҳокама қилинмагандир. Аммо биз Пленумлар — айни Пленумлар доирасида энг асосий масалалар ишлаб чиқиладиган ва унинг принципиал қарорларида мустаҳкамлаб қўйиладиган бўлишини кўзлаб, кейинчалик бу қарорлар партия ташкилотларининг фаолиятида таянч нуқтаси, мезон бўлиб қоладиган тарзда ҳаракат қилишга интилиб келдик.

Қайта қуришнинг ҳозирги революцион босқичида Сиёсий бюро ҳам, Марказий Комитет секретарлари ҳам айни партия турмуши ва фаолияти масалаларига кўпроқ эътибор беришлари керак. Чунки бу иш ҳозир, айниқса партия ташкилотларимиз дуч келаётган ҳамма мушкулликлар, партия турмушида вужудга келаётган муаммолар, партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, аппарати томонидан тезроқ пайқаб олиниши ва таҳлил этилиши лозим, шу тариқа муқобил алоқа асосида партия ташкилотлари ва партия комитетлари муайян тавсиялар, маслаҳатлар оладиган бўлсинлар.

Дарҳақиқат, эҳтимол, энг муҳими шундан иборатдирки, оқибат натижада қайта қуриш КПСС тутган принципиал позициясиз бошлана олмаган бўлур эди, унинг сиёсати ва стратегияси шакллантирилмаган бўлур эди, ўртоқларнинг нутқларида ҳам мана шунга эътибор қаратилди. Бугун ҳам, башарти, қайта қуриш ғояларининг ташаббускори, унинг ташкил этувчи, жипслаштирувчи ва ишонтирувчи кучи бўлмиш партиямиз фаол ҳаракат қилмаса, қайта қуриш муваффақиятли бора олмайди. Мана шу нуқтаи назардан, ўртоқларнинг бугунги нутқларида баён этилган, дарвоқе Марказий Комитетнинг апрель Пленумида айтилган фикрларни ҳам — ҳаммасини яхши ўйлаб кўришимиз керак. Яхши ўйлаб кўриб, олисни кўзловчи хулосалар чиқариш лозим.

Мен айтмоқчи бўлган биринчи гап — мана шу.

Партия ҳақида, у ҳозир, революцион қайта қуриш амалий ишга айланган бир пайтда қандай ҳаракат қилиши лозимлиги тўғрисида бўлиб ўтган ўткир, рўй-рост фикрлашувлар жуда зарур эди. Мана шу жуда мураккаб бурилиш пайтида оддий ва осон ечимлар йўқ ва бўлмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қиляпмиз, ўртоқлар.

Бу — ҳозирги мураккаб конкрет шароитдаги жамиятнинг социал-иқтисодий соҳасида ва кайфиятларида кескин вазият вужудга келган бир пайтда партиянинг фаолиятини муҳокама қилишдан келиб чиқадиган хулосадир.

Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: оддий ечимлар йўқ ва яқин орада бўлмайди ҳам. Эски «яхши замонлар»ни ҳамон айрим кимсалар қўмсаётганлиги сезилиб турган бўлса ҳам, аммо ўша замонларга қайтиш йўқ ва қайтилмайди ҳам.

Турмуш ўртага қўйган саволларга жавобларни шундан қидирмоқ керакки, ўз йўлимизни прогрессив тарзда қуриб олишимиз ва шу йўлдан олға бораверишимиз, партия фаолияти ёндашувлари ва усулларини такомиллаштириш, жамиятнинг сиёсий авангарди бўлмиш партиямиз замиридаги жуда катта имкониятларни рўёбга чиқариш керак. Агар кимда-ким, ҳар ҳолда ҳозир кескинлашган мана шу вазиятни ва кескинлашган мана шу жараёнларни эски усуллар ва ёндашувларга таяниб, эскичасига ҳаракат қилиб жиловлаб олиш мумкин, деган хаёлга бораётган бўлса, у жуда катта ва жуда чуқур янглишади. Бу гапни мутлақо аниқ ва равшан қилиб айтмоқ керак.

Эҳтимол, бу гап ҳаммага ҳам ёқмас. Бироқ мен докладда ҳам, ҳозирги якунловчи нутқда ҳам шуни тўппа-тўғри ва ошкора айтмасам, ўз бурчимни бажармаган бўлур эдим.

Янгиланиб бораётган жамиятда партия доимо янгиланиши керак. Биз илгари ҳам айтиб ўтганимиздек, ҳамма нарса партиядан бошланиши лозим. Бунинг устига, партияни янгилаш жараёнлари унинг фаолият усулларини такомиллаштиришдан ҳамиша илдамроқ бориши керак. Шундагина янгиланиб бораётган партия қайта қуришнинг замонавий илғор сиёсати ишлаб чиқилишини ва бу сиёсатнинг тегишли ташкилотчилик, мафкуравий иш даражаси орқали, замон руҳига мос келадиган жуда самарали интенсив кадрлар сиёсати орқали амалга оширилишини таъминлай олади. Шундагина партия жамиятнинг сиёсий авангарди вазифасини бажара олади.

Янгиланиб борувчи партиянинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Чунки у қайта қуришнинг тақдирини ҳал этадиган ҳаётий муҳим вазифаларни бажаради, бу вазифаларни у революцион куч тарзида ҳаракат қилган тақдирдагина амалга ошира олади.

Ишимизни таҳлил этишда хато қилмаслик учун мана шуларнинг ҳаммасини кўриш ва тушуниш керак, ўртоқлар. Энг муҳими эса — партия доимо мустаҳкамланиши учун, унинг куч-ғайрати, нуфузи, унинг революцион қудрати ошиб бориши учун ҳамма ишни қилишдан иборат. Бу ҳақда яна бир бор гапираётганимнинг сабаби шуки, жамиятнинг бир қисмида: туб бурилиш босқичида партия ўзи эълон қилган, бутун жамиятни даъват этган ва унга бошчилик қилган йўлдан, революцион қайта қуришдан қайтмаяптими, — деган шубҳа пайдо бўлди. Бу шубҳа нотўғри эканини

(Давоми иккинчи бетда).

МАМЛАКАТ АҲЛИ БИЛАН ҲАМНАФАС

ТАССнинг парламентдаги мухбирлари хабар беришади



Ҳозир СССР Олий Советининг комитетлари ва палаталарининг доимий комиссияларида ишлаётган парламент аъзолари вақт қадрига обдон етмоқдалар. Қайта қуриш илгари сурган вазифалар мураккаб ва кенг миқёслидир, уларни ечиш ҳам жўн бўлмаслигини ҳамма яхши тушуниб турибди. Агар айрим янги Қонун актлари шошма-шошарлик билан пухта тайёргарлик кўрилмай қабул қилинган бўлса, бу актларга нечоғлик зарар етказилганлигини тажриба очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Халқ депутатлари зарур ахборотни тўплаб ва уни ўрганиб, қонуншунослик жараёнини жадаллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. СССР Олий Совети Президиумининг илгари қабул қилинган ва тасдиқланиши лозим бўлган Фармонлари, солиқни солиш ҳақидаги, кооператив фаолият тўғрисидаги ва бошқа бир қанча қонунлар депутатларнинг диққат марказида турибди. Мамлакат аҳли билан ҳамнафас бўлган халқ депутатлари ер ва ердан фойдаланиш ҳақидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни ҳам бир кун бўлса-да нари суриб қўйишни истамаяптилар.

Шу боисдан ҳам аграр масалалар ва озиқ-овқат комитети 20 июль куни ўзининг сайёр мажлисини СССР агросаноат банкида ўтказди. Ана шу муассаса қўлидаги ахборотдан фойдаланмай туриб, хўжалик юритишнинг ҳозирги механизмини бошқариш мумкин эмас. Ушбу банкнинг раҳбарлари билан жонли фикрлашув бўлди, иккала томон суҳбат чоғида иқтисодий ёндашув ва тафаккур принципларини намоён этдилар.

— Бу учрашув бизга агросаноат комплексини маблағ билан таъминлаш масалаларида ҳамма нарсани яхшироқ идрок этиб олиш учун зарурдир, — деди ТАСС мухбирига комитет раиси А. Ф. Вепрев. — Аммо, энг асосийси қишлоқ экономикасини пухтароқ таҳлил қилишни давом эттириш ва муаммоларни ҳал этишни излашга омил бағишлашдадир. Ушбу учрашув депутатлар учун ҳам, агросаноат банки ходимлари учун ҳам фойдали бўлди. Суҳбат чоғида билиб олганларимиз, бизга ер ва ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишда жуда асқотади, бундан буён ҳам билимимизни кенгайтириб бораверишимиз керак.

СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети шу яқин орада бўлажак беш йилга мўлжалланган қонуншунослик иши истиқбол планини ишлаб чиқмоқчи. Комитетнинг ўша кунгиёқ бўлган мажлисида шуни айтишди.

Комитет раиси С. С. Алексеев ўз нутқида бундай қарор конституцион, хўжалик, социал, суд, жиноий қонунчиликка оид норматив актлар комплексларини тайёрлаш зарурлиги билан изоҳланади, деб таъкидлади. Бу катта ва мураккаб вазифани бажариш комитет аъзоларидан фундаментал илмий ёндашувни, парламентдаги бошқа комитетлар ва комиссиялар билан ҳамкорлик қилишни талаб этади.

Халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг биринчи сессиясида янги қонунлар ишлаб чиқиш тўғрисида айтилган таклифларни ҳам синчковлик билан ўрганиб чиқиш керак, деб таъкидлади у. Бундай таҳлил янги қонунларни қачон тайёрлаш лозим-у, мавжуд норматив актларга қачон зарур ўзгартишлар киритиш кераклигини аниқлаб олишга имкон беради.

ТАСС мухбири билан суҳбатда мазкур комитет раҳбари, менинг фикримча парламентнинг ана шу сессиясида йирик қонун лойиҳалари қабул қилиш учун фурсат жуда оздир, деб уқтирди. Бунинг бир нечта сабаблари бор: айрим лойиҳаларни жиддий тарзда қайтадан кўриб чиқиш зарур, иккинчи жиҳатдан эса депутатларнинг парламент фаолияти бобида тажрибаси йўқ. Комитет раҳбари СССРда судьяларнинг статуси тўғрисидаги қонунни нуфузли юридик ҳужжатлар қаторига киритди, бу қонуннинг қабул қилиниши судниг мустақиллигини мустаҳкамлашга ва суд ходимлари ишининг обрўсини оширишга имкон беради.

СССР Олий Советининг ошкоралик, гражданларнинг ҳуқуқлари, шикоят ва аризалари масалалари комитетга мажлисида шу яқин орада комитетнинг асосий вазифаси СССРнинг матбуот ва оммавий ахборотнинг бошқа воситалари тўғрисидаги қонуни лойиҳасини муҳокама қилишдан иборат бўлади, деб таъкидланди. Совет кишилари парламентнинг бу комитети иши тўғрисида ана шу норматив акт нечоғлик самарали бўлишига қараб фикр юритадилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

21 июль куни Фарғона область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум Фарғона областидаги фожиали воқеалар ҳамда партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъулияти тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов доклад қилди (доклад матбуотда эълон қилинади).

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкин қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

КЎСАКЛАР ШОДА-ШОДА

● Задарё районидаги «Украина» совхозининг Валижон Отабоев бошчилик қилаётган бўлим пахтакорлари даласида гўзалар кўсаклай бошлади.

Бўлим миришкорлари Марказий Фарғонанинг Аччиқкўл массивида деҳқончилик қилишади. Улар ўтган йили пахта тайёрлаш планини совхозгагина эмас, балки, Задарё районида биринчи бўлиб бажаришган эди. Чўлқуварлар бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш ва уни ўз вақтида йиғиб-териб олинишини таъминлаш учун фидокорона тер тўкишмоқда.

Бўлимдаги мавжуд 500 гектар ер шартнома асосида 56 та оилавий пудратчиларга бўлиб берилган. Мутахассис ва раҳбарлар оилаларга у ёки бу тадбирларни қачон ва қандай бажариш ҳақида буйруқ беришмайди. Лозим бўлганда малакали ёрдам кўрсатишади. Мустақил равишда ҳаракат қилаётган пахтакорлар бор маҳоратлари, билим, тажрибаларини ишга солиб, гўзаларни баравж ривожланишини таъминлашяпти.

Шавкат Абдуллаев, Каримбой Бозоров, Маҳбуба Азизова, Офтобхон Қобулова, Аҳмадали Иброҳимовлар бошлиқ оилавий звеноларда парвариш, айниқса намунали уюштирилганлиги учун ҳам гўзаларда кўсаклар сони куч сайин ортиб бормоқда.

Қ. АКБАРОВ.

ҒАЛЛАКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

● Мамлакат Озиқ-овқат программасини бажариш йўлида баракали меҳнат қилаётган Сирдарё райони ғаллакорлари арпа ва буғдой ўрим-йиғимини кўриқ областда биринчилардан бўлиб ниҳоясига етказдилар.

594 гектар майдондаги арпа ва буғдой икки ҳафта ичида нобудгарчиликсиз йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига пландаги 29 центнер ўрнига 33 центнерни ташкил этди. Бу ўтган йилдагидан икки центнер кўпдир. Гектар ҳисобига 40—45 центнердан арпа ва буғдой олган «Ўзбекистон», «Правда», «Коммунизм» колхозлари, «Малик», «Сирдарё» совхозлари деҳқонлари қўлга киритилган ютуққа салмоқли ҳисса қўшдилар.

Қ. ҲОЖИЕВ.

ҚАРДОШЛАР ДАСТУРХОНИГА

● Москва районидаги «Победа» колхози сабзавотчилик бригадаси аъзолари бу йил ҳар галгидан кўра самарали меҳнат қилиб карамдан мўл ҳосил етиштирдилар.

Мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига муносиб улуш қўшишга аҳд қилган миришкорлар 20 гектар ердаги карамдан планда кўзда тутилган 540 тонна ўрнига 588 тоннадан зиёд карам ҳосили олдилар.

Бу муваффақиятга Сайдулла Усмонов, Миразиз Азизов, Зулунбой Дармонов, Зокиржон Ғофуров сингари ижарачиларнинг ҳалол меҳнати туфайли эришилди. Улар бошчилик қилган звеноларнинг аъзолари ҳар гектар майдондан 270—300 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга муваффақ бўлдилар.

Хўжалик деҳқонларининг пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил Магадан, Челябинск шаҳарларида истиқомат қилувчи қардошларга, шунингдек, темир йўлдаги фалокат натижасида шикастланиб даволанаётган кишиларга, яъни Бошқирдистондаги Уфа шаҳри шифохоналари ихтиёрига жўнатилди.

Ҳ. РУСТАМОВ.



Мардона меҳнат самараси

Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози деҳқонлари бу йилги табиат қийинчиликларини мардона меҳнат билан енгмоқдалар. Барча пайкалларда гўза, озиқ-овқат ва озуқа экинлари парваришини кўп йиллик тажриба асосида намунали олиб боришга ҳаракат қилишяпти. Бу борада мажкаржорликларнинг ғайрат-шижоати таҳсинга лойиқ. Миршкорлар ўсимлик парваришн билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ҳаммасини ўз вақтида сифатли адо этишаётганлиги туфайли мажкаржорн тупларн жадал ўсиб, мўл ҳосил тўпламоқда.

Ҳозир колхоз далаларида бўлган киши бўйчан мажкаржўхорилрни кўриб деҳқон меҳнатига таҳсин айтмай иложи йўқ. Бўлиқ, сердон сўталар белгиланган планнинг ошириб адо этилишидан дарак бераяпти.

Суратда: агроучастка бошлиғи Мадамин Кенжаев (ўнгда) ўсимликни қондириб суғоришда ибрат кўрсатаётган сувчилар Холмурод Раҳимов ва Чоршанб Ҳайитов билан мажкаржоризорда.

М. ХЎЖАЕВ сурати (ЎзТАГ).

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ЙЎЛИДА

ОЗИҚ-ОВҚАТ: ТУРМУШИМИЗНИНГ ЭНГ НОЗИК, ЖИДДИЙ МУАММОСИ

●

Агроучасткамиз чўлқуварлари пахта етиштириш билан бирга озиқ-овқат экинларидан ҳам мўл ҳосил олишга ҳаракат қилмоқдалар. Биз ана шу мақсадда деҳончилик маданиятини ошира бориб, қатор резерв ва имкониятларни ишга солаяпмиз. Бу йил 760 гектар ерда пахта, 187 гектар ерда беда, 116 гектар ерда картошка, 50 гектар ерда сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиряпмиз.

Маълумки, деҳқон учун енгил йилнинг ўзи йўқ. Бу йил қишлоқ меҳнаткашлари учун мавсум жуда ноқулай келди. Шунга қарамай, ҳамма жон куйдириб самарали меҳнат қилди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки пудрат усулида ишлаётган коллективимиз зарур пайтда омилкорлик қилиб, унумли ишламаса пировард натижа пасайиб кетишини яхши билишади. Пудратчиларнинг даромади эса пировард натижага боғлиқ. Шу сабабли улар бор тажриба, маҳоратларини ишга солиб, ҳамма майдонларда тўла гектарлар ҳосил қилишга эришдилар.

Ягона сифатли ўтказилди. Далаларда бегона ўт йўқ. Гўза тўрт марта культивация қилинди ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Иккинчи суғориш тугалланиш арафасида.

Биз бу йил ҳар қандай шароитда ҳам гектарига 25 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарамиз. Бунинг учун ўсишдан орқада қолган гўзаларни алоҳида парвариш қиляпмиз. «Шарбат» суви оқизиляпти. Гўза парваришини сусайтирмаган ҳолда даладаги беда ва ғаллани ҳам саранжомлаб олдик. Гектарига 40 центнерга етказилиб дон ҳосили олинди. Беданн уч марта ўриб, ҳар гектар ер ҳисобига 100 центнердан зиёд пичан жамғарилди. Область территориясида яшовчи 400 га яқин хўжаликларнинг чорва моллари учун беда пичани сотилди.

Агроучасткамиз коллективи шаҳарликлар дастурхонига бу йил камида 150 тонна полиз, 1000 тонна сабзавот тортиқ этишга аҳд қилган. Ҳозир полизларда қовунтарвуз ғарқ пишган. Ҳар куни бир неча тонналаб қовун-тарвуз тайёрлов идорасига жўнатилмоқда. Биз бу йил Қарши шаҳри аҳолисига 2 минг тонна картошка етказиб беришга азми-қарор қилганмиз. Шу кунларда моҳир механизаторларимиз Виктор Басен, Ринат Касянов, Борис Лобанов, Георгий Тен махсус агрегатлар ёрдамида кунига 5—6 гектар ердаги ҳосилни йиғиштириб олишяпти. Ҳар куни ўнлаб тонна картошка шаҳар халқига пешма-пеш жўнатиляпти.

Ер ҳосилдан тозалангач, Қарши шароитига мос келадиган кузги картошка етиштиришни мўлжаллаяпмиз. Биз пахта яккаҳокимлигига қарши кураш олиб бориб, бундан кейин озиқ-овқат экинлари ер майдонини ва ҳосилдорлигини муттасил ошириб борамиз.

Лев КИМ,
Қарши районидаги 8-совхоз 1-агроучасткаси бошлиғи.

Дунё овози

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ХАБАР БЕРАДИ

КПСС Марказий Комитетидаги кенгаш чет эл оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Кенгашда қайта қуриш шароитида партиявий ишнинг бир қанча масалалари кўриб чиқилди.

✦ Социалистик мамлакатлар матбуоти КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг кенгашдаги доклади баёнини эълон қилмоқда. Болгариянинг «Работническо дело» газетаси бугунги кунда партияни янгиламай туриб, совет жамиятини янгилаш мумкин эмас, деб таъкидлайди. Хитойда чиқадиган «Гуанмин Жибао» ва «Цзефанцзюнь бао» газеталари КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш тўғрисидаги хабарни «М. С. Горбачев қайта қуриш жараёнида партиянинг ролини кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади» деган сарлавҳа остида эълон қилди.

✦ Газеталар ва телевидение Кузбасс ва Донбасс шахтёрлари забастовкасини диққат билан кузатиб турибди. Францияда чиқадиган «Либерасьон» газетасининг ёзишича, бу қизиқиш СССРда социал кескинлик кучаётганлиги сабабли Ғарбда хавотирлик уйғотаётганлиги билан изоҳланади. Чунки совет сиёсатидаги ўзгариш «янги иқтисодий муносабатлар ва қуролсизланиш жўшқинлиги тўхтатилишини» билдирган бўлур эди. Шу муносабат билан чет эл оммавий ахборот воситалари Совет Иттифоқида социал-сиёсий вазиятни таҳлил этишнинг дастлабки планига алоҳида эътиборни жалб этмоқда. М. С. Горбачев кончилар ва темирйўлчилар забастовкаси хавфи борлиги туфайли СССР Олий Советининг сессиясида ана шу планни ўртага қўйди Ғарбий Германия телевидениеси шахтёрлар иш ташлаганлиги натижасида мамлакат 1 миллион тоннадан кўпроқ кўмир олмагани ва бу қолоқликнинг ўрнини тўлдириб бўлмаслигини таъкидлади.

✦ Польша матбуоти ПХР Миллат мажлиси В. Ярузельскийни 6 йил муддатга мамлакат президенти этиб сайлаганлиги тўғрисида хабар беради. В. Ярузельский сайловдан кейин берган қисқа баёнотида барча полякларнинг ваколи бўлиш ниятида эканлигини таъкидлаганлиги айтилади.

✦ Англиянинг оммавий ахборот воситалари Буюк Британия ташқи ишлар министрлиги меморандум тайёрлаганлиги тўғрисида хабар беради. Ҳужжатда барча даражалардаги Совет ва Британия давлат арбобларининг ўзаро мунтазам визитлари — тобора янги соҳаларни қамраб олаётган икки томонлама ҳамкорликдаги силжишдан далолат бермоқда, деб таъкидланади.

✦ Американинг Айова штатида «Юнайтед эйрлайнз» авиакомпаниясининг ДС—10 «Дуглас» самолёти авария туфайли ерга қўниш чоғида фалокатга учради, деб хабар берди СИ-Би-Эс телекомпанияси. 200 га яқин киши ҳалок бўлди. Телекомпаниянинг маълум қилишича, авиалайнернинг гидравлик системаси бутунлай ишламай қолганлиги авариянга сабаб бўлган.

(ТАСС).

СЎНГГИ СОАТДА

● ПАРИЖ

Франция алоқа ва космос министри Поль Квес космосни забт этган давлатлар ўртасида космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик ривожлантирилишини ёқлаб чиқди. Пайшанба куни бу ерда одам Ойга қўнганлигининг 20 йиллиги муносабати билан министр берган баёнотда бундай ҳамкорлик Ер атрофи фазосини ўрганишда жуда катта натижаларга эришиш имконини берган бўлур эди, деб таъкидланади.

● ЛОНДОН

Келгуси йилдан бошлаб қироллигининг ҳарбий-ҳаво кучларида ишлаш учун хотин-қизларга ҳарбий учувчи ва штурман касбларини эгаллашга рухсат берилди. Буюк Британия мудофаа министри бугун бу ерда матбуот конференциясида ана шу ҳақда гапирди.

(ТАСС).

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда сўзлаган якунловчи нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

биз кун сайин аниқ-равшан ишлар билан, ҳатто озгина бўлса ҳам яхшилик сари силжиш билан, партия комитетларининг, коммунистларнинг, бошланғич партия ташкилотларининг фаол позицияси билан исботлаб боришимиз керак. Аммо бизнинг бу соҳадаги ишимиз ҳали етарли эмас.

Партиянинг обрў-эътиборини қонун билан белгилаб бўлмайди. Ҳозир ҳеч қандай қудратли декрет ёки қарор билан бундай қилиб бўлмайди. Биз қайта қуришнинг биринчи босқичида жамиятга қайта қуриш сиёсатини таклиф этиш билан обрў-эътибор қозондик. Жамият ҳам партияга ишонди, уни қўллаб-қувватлади ва унга эргашди. Ҳозир қайта қуриш сиёсатини қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этиш орқалигина обрў-эътибор қозониш мумкин. Партия обрў-эътибор қозониши учун бундан бошқа йўл йўқ ва бўлмайди ҳам! Агар кимдир бошқа бирон нарсага умид қилаётган бўлса, бу— реал эмас, ўртоқлар.

Шу сабабли турмушдан ўзни четга олмай, балки унга пешвоз чиқиш керак. Турмуш нақадар мураккаб бўлмасин, унда бизнинг ижтимоий жараёнлар ҳақидаги тасаввурларимизни умуман ўзгартириб юборадиган ғайриодатий ўткир вазиятлар қанчалик учрамасин, шу жараёнларга дадил бормоқ керак.

Модомики, қайта қуриш — революция экан (биз бу фикрга қўшилганмиз), модомики, бу мулкчилик муносабатларини, инсоннинг мавқеини, сиёсий системанинг асосларини, маънавий соҳани чуқур ўзгартиришни билдирар экан, модомики, у халқни жамиятдаги ўзгаришларнинг ҳақиқий кучига айлантирар экан, ҳамма нарса сокингина ва силлиққина ўтавериши мумкинми, ахир? Революцион жараёнлар ҳақиқатга айланганида саросимага тушиш керакми, ахир? Биз ўз сиёсатимиз билан шу жараёнларни юзага келтирдик-ку. Буларнинг ҳаммасини муҳокама қилаётганимизда шундай бўлишини тушунмаганмидик? Биз қайта қуриш вазифасини аниқ-равшан қилиб қўйган эдик-ку, ахир. Шу сабабли жамият қайта қуриш йўлига ўтди. Модомики, шундай экан, партия бу шароитда сиёсий авангард сифатида фаол ҳаракат қилиб, омма орасидаги ўз ишини такомиллаштириши лозим. Теварак-атрофда жамият туғён ураётган бўлса-ю, баъзи ўртоқлар кабинетларда ўтириб олиб, нималар бўляпти ўзи, шу ишларни бошлашимиз керакмиди, — деб ўйлайдиган вазият бўлиши мумкин эмас-ку, ахир. Наҳотки шундай мулоҳаза юритиш мумкин бўлса? Жамият қайта қуриш ғоялари ва моҳиятини кимдандир қарз олинган қандайдир бегона қадриятлар асосида эмас, балки социализм доирасида, шу тузумнинг салоҳиятини халқ манфаатлари йўлида намоён этган социалистик демократия доирасида идрок қилди-ку, ахир. Буларнинг ҳаммаси Ленин таълимотига мувофиқ келади. Социализм демократия орқали ўсиб чиқади ва меҳнаткашларнинг тузуми сифатида фақат демократия орқали амалга ошади.

Ҳозир авж олиб кетган қайта қуриш жараёнлари турмушимизнинг ҳамма соҳаларини қамраб олмоқда. Бу жараёнларда ғайриодатий нарсалар, баъзан идрок этиш жуда қийин бўлган нарсалар кўп. Бу эса қўшимча кескинликни вужудга келтирмоқда. Аммо революцион йиллар бўлганидан кейин шундай бўлади-да! Биз буларнинг ҳаммасини тушунишимиз ва революцион партия сифатида ҳаракат қилишимиз керак, акс ҳолда партия орқада қолаётганини кўриб, ташаббусни қўлга олишга киришадиган кучлар топилиб қолади. Шундай уринишлар бўляпти ҳам. Кўп минглаб коммунистларни бирлаштирган, ўз газеталарига, ўз профессионал кадрларига, ҳамма нарсага эга бўлган партия ташкилоти дафъатан ташаббусни қўлдан бой бера бошласа, нима бўлади ўзи?

Бунинг сабаби битта — демак, биз орқада қоляпмиз, демак, бирон-бир жойдаги сўзимиз билан ишимиз орасида, омма билан партия орасида узилиш содир бўляпти, ҳолбуки, партия авангард сифатида олдинда бориши, олисни кўриши ва бошқалардан кўпроқ иш қилиши керак. Биз бўлсак, бу имкониятни бой бериб қўймоқдамиз ва кўпинча бошқа кучлар бундан фойдаланиб қолмоқдалар. Ҳа, мана шундай бўляпти. Бу аҳволдан қутилишнинг ҳам иложи битта — одамларнинг манфаатлари, уларнинг муаммолари ҳамиша аниқ-равшан ва ўз вақтида муҳокама қилиб, ҳал этилиши керак. Биз халқ манфаатларини кўзлаб сиёсат юритар эканмиз, доимо халқ билан бирга бўлишимиз керак.

Ҳозирги мураккаб вазиятда партиянинг тақдири ҳақида ташвишланмаслик масъулиятсизлик бўлур эди. Чунки партиянинг тақдири қайта қуришнинг тақдири, мамлакатнинг ва социализмнинг тақдири ҳамдир. Бироқ умидсизликка берилиш ҳам масъулиятсизлик бўлур эди. Революцион қайта қуриш жараёнида партиянинг янги қиёфаси юзага келмоқда. Унинг фаолият услуби ва усуллари янгиланмоқда, бутун мана шу революцион жараённи ўз зиммасига олиб, олға силжитишга тайёр бўлган янги навқирон кучлар партия сафига қўшилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси оғриқли тарзда қийинчилик билан рўй бериши табиий. Принцип жиҳатдан айни шундай бўлиши ҳам керак. Революция даври — роҳатфароғат вазияти эмас.

Баъзи бир аниқ-равшан масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ерда бошланғич партия ташкилотини тузукроқ қўллаб-қувватлашимиз керак, деган масала тўғри қўйилган. Фаолиятимизни айни шу соҳага эътиборимизни кучайтириш нуқтаи назаридан ҳам, партия ташкилоти бутун партия турмушини кучли равишда олға силжитишга ва бутун партияни фаоллаштиришга имкон берадиган восита эканлигини нуқтаи назаридан ҳам бу масала тўғри қўйилган. Хуллас, бу — жамият партиядаги ўзгаришларни, унинг янги жўшқинлигини, янги услубни, янги иш шаклларини, одамларга яқинликни ҳис этиб олишига ёрдам берадиган энг яхши усулдир. Келгусидаги ҳисобот-сайлов кампанияси муносабати билан бунинг учун кенг имкониятлар очилади. Шундай қилиш керакки, цехларда, митингларда, уйларда муҳокама қилинаётган масалалар партиявий мунозараларнинг марказида турадиган бўлсин. Партия атрофда ҳамма воқеалар жўш урганида кўпгина партия ташкилотлари эснаб ўтирадиган аҳволга тушиб қолиши ярамайди.

Партия турмуши шунақа бўлиши керакми, ахир? Бунинг кимга кераги бор, ўртоқлар? Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳисобот-сайлов кампаниялари чоғида партия ташкилотларининг иши тўғрисида талабчанлик билан батафсил гаплашиб олинадиган бўлсин, бу ташкилотларга ҳозир коммунистлар орасида ҳақиқий обрў-эътибор қозонган кишилар бошчилик қилсинлар. Биз кадрларни қўллаб-қувватлашимиз керак, албатта. Биз шундай қиламиз ҳам. Аммо партиянинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашнинг бош шарти шундан иборатки, партиянинг ўзи жўшқин ҳаракат қиладиган бўлсин, у одамларга яқин турсин, етилган масалаларни одамлар билан биргаликда ҳал қилсин. Шундай бўлмас экан, хатарли тафовут пайдо бўлиб қолади.

Мана энди мен мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг кескинлашишига жуда кучли таъсир ўтказаётган масалага яқинлашиб қолдим. Бунда гап кундалик турмушнинг ҳал этилмаган кўпгина масалалари ҳақида бормоқда. Буни мен Ленинградда, бир кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган цехга киргинамизда ва одамлар қандай шароитда ишлаётганини кўрганимизда жуда ўткир ҳис қилганимни яна бир бор айтмоқчиман. Иш жойлари ибтидоий асбоб-ускуналар билан таъминланган, чанг-тўзон ичида одамлар оғир қўл меҳнати билан шуғулланмоқдалар. Бино шамоллатиб турилмас экан. Принцип жиҳатдан илғор бўлган корхонадаги аҳвол мана шундай. Чангдан нафас ололмай ишлаётган эканмиз, бунинг нимасини қайта қуриш деб бўлади, дейишди менга ишчилар. Икки йилдан кейингина цехдаги вазиятни соғломлаштириш, унинг муаммоларини ҳал этишни мўлжаллаб туришганини бундан ҳам ёмон. Бу ерда партия ташкилотининг позицияси қани? Унинг ўз обрў-эътибори билан аралашуви қани?

Бундай ишлаб бўлмайди! Бирлашманинг кўп минг кишилик коллективи хўжалик усулида йилига биттадан уйни қуриб битказмоқчи бўлиб турибди. Мен Украинадаги кон-шахта машина-ускуналари заводида ҳам бўлган эдим, у ерда 5 минг киши ишлайди, ҳар йили икки-учтадан уй қурилади. Шунинг учун ҳам одамлар, ҳозирги директоримиз яхши, ғамхўр киши, деб қувонч билан гапирмоқдалар. Гарчи ҳали у кўп иш қилиши керак бўлса ҳам, бу ердаги одамларнинг кайфияти дуруст.

Йўқ, ўртоқлар, партия ташкилотларини ва кадрларимизни барча қайта қуриш жараёнларига фаол жалб этиш орқали, улар аввало экономика, социал соҳаларда рўй бераётган ўзгаришларни сиёсий позицияларда туриб баҳолайдиган бўлишлари орқали уларни ҳимоя қилишимиз керак. Партия ташкилотлари ва кадрларимиз бу масалаларни партиявий тарзда ўртага қўядиган бўлсинлар. Биз бўлсак, кўпинча эскичасига иш кўраётганларни паноҳимизга олляпмиз. Бунинг сабабини биласизларми? Сабаби шуки, кўп йиллар давомида биз ҳамма ишни зиммага олишга одатланиб қолганмиз ва ҳозир ҳам шундай қилиб келяпмиз, ҳолбуки, биз ҳар бир кишидан ўз иши учун кўпроқ талаб қилишимиз керак. Кимки Советларда бўлса, ўз участкаси учун, кимки корхонада бўлса, ўз иши учун жавоб берсин. Булар асосан коммунистлар-ку, ахир. Шунга муносиб ишласинлар.

Айни вақтда назария, сиёсат ва партия фаолияти масалалари жуда ташлаб қўйилди. Бу борада ҳам биз кўп хатоларга йўл қўймоқдамиз. Буларнинг ҳаммасини тўғрилаш керак.

Ҳозир, ўртоқлар, биз ўз обрў-эътиборимизни иш билан мустаҳкамлашимиз, ҳар куни, ҳар ҳафта, ҳар ойда кичик бўлса ҳам ғалабалар қозонишимиз жуда муҳимдир. Эртага бирон-бир тақчилликни тугатиш, қалтис экологик масалани ҳал этиш, транспортнинг ишини йўлга қўйиш биз учун жуда керак. Масалаларни айни шу тарзда қўйиб, ҳал этиш лозим. Агар партия ташкилотлари, партия комитетлари бунга кўмаклашсалар, ишончни йўқотишимиз ҳақида гап ҳам бўлмайди.

Бу ерда шу хусусда айтилган ҳамма гапларга бўлмасада, ҳар ҳолда ўртоқларнинг кўпгина гапларига қўшиламан. Фикрлашувда шундай бўлади ўзи. Ўйлайманки, бу фикрлашув чоғида биз ҳозирги даврнинг нақадар масъулиятли эканини ва биз муҳокама қилаётган муаммо — барча соҳаларда қайта қуриш давом этаётган, партия ва хўжалик органларининг вазифалари бир-биридан чегаралаб қўйилаётган пайтда партия қандай ҳаракат қилиши лозим, деган муаммонинг муҳимлигини ҳис қилиб олдик. Шу нуқтаи назардан фикрлашув фойдали бўлди.

Партия олдида пайдо бўлган муаммоларни, қайта қуриш жараёнида, партиянинг ўз ишида вужудга келган чигалликлар ва қийинчиликларни муҳокама қилишнинг бутун жараёни жамланадиган бўлса, ҳамма иш кадрларга бориб тақалишини рўйрост айтмоқ керак. Шу сабабли, келинглар, бу ишни нимадан бошламоқ кераклигини партиявий принципиал позицияларда туриб аниқлаб олайлик. Аввало, бу — кадрларнинг топширилган ишга, ўз вазифаларини бажаришга, қайси услубга амал қилинаётганига, у ёки бу ходим халққа нақадар яқинлигига, одамларни ўзига эргаштира олишига, революцион ўзгартишлар босқичида янги вазифаларни ўз гарданига олишга тайёрлигига муносабати масаласидир. Партиянинг бош вазифаси мана шундан иборат ва шу вазифа ҳал қилиниши керак. Шундай қилсак, бошқа ҳамма масалаларни ҳал этиш йўлига чиқиб оламиз.

Кадрларни янгилаб туриш, уларнинг сафига янги кучларни қўшиб туриш керак. Бунда меҳнат коллективи, район, шаҳар, область, ўлка, республика, Марказий Комитет ва Сиёсий бюродаги кадрларни янгилаш лозим. Бу иш ҳамма поғоналарга тааллуқлидир. Ҳамма жойда, ҳар бир поғонада кадрларга оид етилган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш лозим. Ендашув мана шундай бўлиши керак. Чунки, халқнинг тақдирини, бир бугун, эртага ва келажакда қандай яшашимизни белгилаб берадиган революцион қайта қуриш манфаатларидан юқори, тақрор айтаманки, шу манфаатлардан юқори ҳеч нарса йўқ. Ҳамма иш мана шунга бўйсундирилиши керак.

Кадрларга оид бутун сиёсатни айни шу позицияларда туриб бутун куч-қувват билан олиб бориш керак. Ҳозир бу ишни яхшилик сари ўзгартиришнинг калитидир. Кадрлар ишини партиявий демократик руҳда олиб бориш, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш лозим. Етилган ҳамма масалаларни зудлик билан ҳал этиш керак. Бу гап партия ва давлатнинг ҳамма бўғинларига тааллуқли эканини яна бир бор таъкорлайман. Агар биз масалани шу тарзда қўядиган бўлсак, сирасини айтганда, бу масалада ҳам халқ бизни қўллаб-қувватлайди ва биз билан бирга бўлади. Кадрлар бошқачароқ, кучлироқ, ғайратлироқ, ташаббускорроқ ишлай бошлашлари керак. Қаердаки, кадрларни ўзгартириш керак бўлса, янги кишилар иш бошига келиб, фаол ҳаракат қила бошлашлари лозим.

Умуман, бугун партия Марказий Комитетидаги кенгашда бўлиб ўтган рўй-рост партиявий гурунгни табриклайман. Бу гурунг бизга керак эди, бу фикрга ҳаммамиз қўшиламиз. Бу партиявий гурунгдан биз зарур хулосалар чиқариб оламиз, деб умид қиламан.

Баъзи нотиқлар ҳар бир ҳолат хусусида тайёр концепция бўлишини партия Марказий Комитетидан, Сиёсий бюродан ўтиниб сўрадилар ва ҳатто талаб қилдилар. Партияни қайта қуриш концепциясини беринглар, ташкилий ишни қайта қуриш концепциясини беринглар, бошқа масалаларга оид концепцияларни беринглар, дейишди. Бу илтимосларда ўтмишнинг акс-садоси, кўп йиллик тайёрга айёрликнинг акс-садоси эшитилди, деб ўйлайман. Бизда қайта қуришнинг умумий йўли бор, унга ёндашувлар ишлаб чиқилган. Бироқ, назаримда, ҳамма учун ва ҳар бир ҳолат юзасидан тайёр андозалар, рецептлар йўқ ва бўлмайди ҳам. Қайта қуриш йўлидан боргандагина биз коллектив тажриба орттирамиз, янги ёндашувларни аниқ бир шаклга киритамиз, белгиланган йўлга зарур тузатишлар қиламиз, уни тўлдирамиз ва ривожлантирамиз. Ҳаёт ўртага қўйган саволларга ҳеч биримизда тайёр жавоблар йўқ. Ҳамиша шундай бўлиб келган ва революцион даврда шундай бўлади ҳам.

Асосий нарса: социализм, халқ манфаати, демократия, ошкоралик ҳамда ғоялар ташаббускори ва ташкилотчи куч бўлмиш партия ҳеч иккиланмай олинди. Қолган ишларда мустақил ўйлаш ва мустақил ҳаракат қилиш, фикр юритиш, турмуш талаб қилаётган нарсаларни ўз вақтида пайқаб олиш керак. Ҳар бир конкрет вазиятда, ҳар бир регионда турмуш ҳар ҳил талабларни ўртага қўймоқда, янгича ёндашувлар ва ечимларни тақозо этмоқда.

Қайта қуриш шароитида ишлашни ўрганиб олиш керак, албатта. Дарсликлар ҳам, семинарлар ҳам, курслар ҳам зарур. Бу ҳақда неча марталаб гапирдим. Аммо, ўртоқлар, буларнинг ҳаммаси пассив, кутувчанлик позициясини, баъзи парткомлар ва партия ташкилотларининг партиявий тайёрга айёрлигини асло оқламайди! Марказий Комитетнинг аъзолари бўлган биринчи секретарлар орасида ҳам шундай кайфиятлар бор. Биз партия билан халқнинг биргаликдаги улкан меҳнати билан тажриба ҳосил қиляпмиз. Бу тажрибанинг мавжудлиги жамиятни янгилаш соҳасидаги ялпи кўч-гайратларимизга боғлиқ бўлади.

Энди сизлар билан маслаҳатлашиш учун битта масала бор. Бу масала жамиятимизни жуда қизиқтиряпти. Гап аҳолининг кам даромадли табақаларига қандай қилиб тезроқ ёрдам бериш ҳақида боряпти. Бу масалани СССР Олий Советининг ушбу сессияси ҳам эканини яна бир бор таъкорлайман. Ҳозир ҳукумат маблағ манбаларини изламоқда. Бу манбаларни топиш осон эмас. Шу сабабли, эҳтимол, биз шундай иш қилармиз: партия взносларидан 500 миллион сўмни шу ишга бераверамиз, бу йиллик жами взносларнинг тахминан 30 процентини ташкил этади. Ундай бўлса, келинглар, шундай қила қолайлик. Бу яхши тадбир бўлади. Қувватлайсизларми?

Овозлар: Қувватлаймиз.

М. С. Горбачев: Жуда соз, Ўйлайманки, бу ташаббуснинг бошқа издошлари ҳам топилади.

Омон бўлинглар, ўртоқлар, ишларингизда муваффақиятлар тилайман!

АМАЛДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ:

СССР—ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИК ҲАЙКАЛИ

Кейинги пайтда бухороликлар фақатгина кинофильмларда эмас, кундалик турмушда ҳам ҳиндистонликлар билан тез-тез учрашмоқдалар. Мана, икки йилдирки, дўст мамлакат мутахассислари Бухоро шаҳрида янги меҳмонхона қурилишида иштирок этмоқдалар.

СССР Госкоминтуристи Ҳиндистоннинг «Ларсен энд тубро лимитед» кампанияси билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бундай меҳмонхоналар қуришда ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузган. Икки дўст мамлакат ўртасида ўзаро интернационал ҳамкорлик қандай натижа бермоқда? Шу саволга жавоб излаб шаҳар марказидаги «Интурист» меҳмонхонаси ёнидаги қурилиш майдончасига кириб бордик.

Бежирим коржомасининг кўкрак чўнтаги устидан компаниянинг номи ёзиб қўйилган қорамағиз бинокорлардан бири бизни қурилиш маъмурияти жойлашган бино сари бошлаб кетди. Бинонинг дастлабки хонасидаёқ намунали ўқувчилардек, кенг столлар атрофида тизилиб чизмаларни кўздан кечираётган бир группа мутахассисларга дуч келдик.

Бизга пешвоз чиққан ўрта ёшлардаги бақувват йигит кампаниянинг Бухородаги қурилиш бошқарувчиси мистер А. Д. Хурия экан. Стол атрофида ўтирган кишиларга тикилиб қолганимизни сезиб изоҳ берди:

— Булар лойиҳаловчилар группаси мутахассислари. Қурилиш бўйича барча лойиҳалаш-сметалаш ишларини компаниянинг ўзи бажаради. Бинонинг ҳажми, ташқи қиёфаси, қиймати юзасидан буюртмачи билан келишиб олинса кифоя. Лойиҳа эса қурилиш билан бир вақтнинг ўзида йўл-йўлакай чизиб борилаверади. Бу ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди, қурувчиларнинг масъулиятини оширади...

Яхши тажриба. Бизда эса ҳали қурилиш бошланишидан анча муқаддам лойиҳага буюртма берилади. Бу иш йиллаб чўзилади, тайёр бўлгандан кейин ҳам уни ўнлаб ташкилотлар билан келишиб олиш керак. Натижада бино қурилиши ҳали бошланмасданоқ лойиҳа эскириб қолади. унга тузатишлар киритиш, бир материалнинг ўрнига бошқасини ишлатишга рухсат олиш учун яна расмиятчилик поғоналаридан ўтишга тўғри келади.

Ҳиндистонликлар иш суръатининг жадаллиги, сифатининг юксаклигига мана шу расмиятчилик йўқлиги сабабдир. Ўтган йили иш натижалари бўйича Бухорода қурилаётган меҳмонхона мамлакатдаги тармоқ объектлари ичида иккинчи ўринни эгаллади. Республика «Интурист» меҳмонхоналари барчасининг қурилишида бажарилган иш хажмининг учдан бир қисми Бухорода амалга оширилди. Бу йил иш ҳажмини яна уч бараварга ошириш кўзда тутилмоқда.

Ҳиндистонликлар Бухорога келган дастлабки ойларда уларни етарли ҳажмда қурилиш материаллари билан таъминлашда қийинчиликлар вужудга келди. Материалларнинг фонд тақсимоти тартиби панд берди. Бироқ кўп ўтмай ҳамма нарса маромига тушди. Энди қурилиш майдонида ёғоч-тахта ҳам, цемент ва металл ҳам, бошқа зарур материаллар ҳам етарли миқдорда саранжом-саришталик билан териб қўйилган.

Бухороликлар қурилишни материал ресурсларнинг ўн тўққиз тури бўйича зарур хом ашё билан таъминлашни йўлга қўйганлар. Мамлакатимиздаги айрим камёб материаллар, меҳмонхона учун мебель ва техник жиҳозлар эса Ҳиндистондан келмоқда. Ўзаро ҳамкорлик аниқ маромига кирган.

Чет эл туризми даплат комитетининг Бухородаги қурилаётган меҳмонхона дирекцияси бошлиғи М. А. Қайсаров 430 ўринли бўлажак меҳмонхонанинг кабинетидаги макетини кўрсатди. Ям-яшил дарахтзор ўртасидаги оппоқ бино областнинг маъмурий маркази чиройига чирой қўшиши шуҳбасиз.

Шу кабинетда Совет—Ҳиндистон ҳамкорлигининг маънавий томонлари тўғрисида мистер Хурия билан узоқ суҳбатлашдик. Энди у рус тилида бемалол гаплашадиган бўлиб қолган. Дастлаб Бухорога келганида эса рус тилини мутлақо билмас эди. Шу пайтда она тили қўл келди. Ҳамма гап шундаки, урду тили тожик тилига яқин. Тожик тилини билган киши эса Бухорода танг аҳволда қолмайди.

Уч юздан зиёд бинокорни ўз сафларида бирлаштирган ҳиндистонлик группада Ганг соҳилидаги буюк мамлакат барча штатларининг вакиллари бор. Миллати ҳам, динлари ҳам турлича бўлсада, Бухорода аҳил ишлаб меҳнат қилмоқдалар. Область марказининг улар истиқомат қиладиган 6-микрорайонидаги хонадонларда бухороликларнинг бирон тўйи ҳиндистонлик дўстлар иштирокисиз ўтмайди.

— Ўзбекистонликларнинг меҳмондўстлиги тўғрисида кўп эшитган эдим. Уларнинг кўнгли ҳам дастурхонидек доимо очиқлиги ҳар қандай мақтовдан ҳам зиёда экан, — дейди биз билан суҳбатда мистер Хурия. — Бундан юз йиллар муқаддам икки бухоролик уста Ҳиндистонга бориб машҳур Тожмаҳал обидаси қурилишида иштирок этишган эди. Энди бўлса бизга Бухорога келиб қурилиш ишларини олиб боришга тўғри келди. Бу эса дўстлигимиз абадийлиги тимсолидир.

У хайрлашар экан, улар қураётган бино СССР— Ҳиндистон дўстлигининг мангу ҳайкалларидан бирига айланишига бизни ишонтирди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



КОЛХОЗДА АТЛАС ЦЕХИ

Уйчи районидаги Ленин номли колхозда хонатлас тўқиладиган янги цех ишга туширилди. Бу ерда ҳозир 155 киши хизмат қилмоқда.

Илгари дала шийпони сифатида фойдаланилган хоналар цех учун қулай жойга айлантирилди ва бир неча тўқув дастгоҳи ўрнатилди. Тўқувчилик касб-кордан хабардор бўлган кишилар ишга жалб этилди, ёшлар ва уй бекаларн ҳам бу ҳунарга ўргатилди. Цех учун хом ашё тайёрлашнинг ҳам иложи топилди ва шу тариқа колхозда янги цех бунёд бўлди.

Хўжаликнинг бу кичик корхонасида қисқа муддат ичида 80 минг сўмлик хонатлас тўқиб чиқарилди. Ўзига хос жило берилган хонатласлар тез орада кўпдан-кўп буюртмачиларнинг эътиборини тортди. Наманган, Марғилон, Қашқадарё ва бошқа шаҳарлардан тушган буюртмаларни ҳам дарҳол бажаришга киришилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра янги цех хўжалик учун 150 минг сўмдан ортиқ фойда беради.

Колхозда кенг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарадиган бундай цехларнинг сони ҳозир ўн еттитага етди. Тикувчилик, дурадгорлик, ўймакорлик ва бошқа қатор цехлар ҳозирги кунда тўла қувват билан ишлаб турибди ва хўжалик экономикасига сезиларли наф келтирмоқда.

Суратда: хонатлас цехининг илғор тўқувчиси Комил Валиев. А. КОВТУН сурати (ЎзТАГ).

МАМЛАКАТ АҲЛИ БИЛАН ҲАМНАФАС

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Парламент аъзолари навбатдаги мажлисда СССР Олий Советининг биринчи сессияси кўриб чиқмоғи учун тақдим этилган СССРнинг маҳсулот сифати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни лойиҳасини муҳокама қилишни, шунингдек халқ депутатларининг оммавий ахборот воситалари орқали сайловчиларга мурожаат этиш ҳуқуқларини қонун йўли билан расмийлаштириш имкониятини ўрганиш хусусида келишиб олдилар.

Комитет аъзоси, «Нева» журналининг бош редактори Б. Н. Никольский ТАСС мухбири билан суҳбатда аҳоли баъзан парламентнинг ана шу доимий органини «шикоятлар бюроси» деб нотўғри тасаввур этаётганини уқтирди. Гражданларнинг мурожаатларини таҳлил этиш, шу асосда ана шундай мурожаатларнинг ўзига хос сабабларини аниқлаш ва бу сабабларни бартараф этиш хусусида таклифлар ишлаб чиқиш комитетнинг асосий вазифаларидан биридир, деб таъкидлади депутат.

Иттифоқ Советининг меҳнат, нарх ва социал сиёсат масалалари комиссиясининг аъзолари бўлган СССР халқ депутатлари ғаразгўйлик мақсадларида қонунга чап беришга уринаётган кооператорларга қарши самарали тадбирларни таклиф этдилар. Масалан, депутатлар мабода кооперативлар ўз даромадларини камайтириб кўрсатгудек бўлсалар, мазкур кооперативлардан яширилган даромадга 5 баравар кўп жарима солиб давлат бюджетига ўтказишни тавсия этмоқдалар. Ҳозирги сессия тасдиқлаши учун тақдим этилган СССР Олий Совети Президиумининг «Кооперативларга даромад солиғи солиш тўғрисида»ги Фармонида ана шундай қатъий жазо чоралари назарда тутилмаган.

Социал муаммолар билан шуғулланаётган комиссия мажлисида кооператив ҳаракатини ривожлантириш муаммолари хусусида ўткир баҳс-мунозаралар бўлди. Баъзи нотиқлар савдо-харид кооперативларининг, уларнинг фикрича, асосланмаган даромадларини кескин қисқартиришни қаттиқ туриб талаб қилдилар, бу кооперативларга кўпроқ солиқ солишга даъват этдилар. Ёзувчи Юрий Черниченко бу нотиқларнинг фикрига қўшилмади, у кооператив фаолият фаолияти масалаларини ҳал этишда, аввало, социал адолат принципларидан келиб чиқиш лозим, деб таъкидлади.

— Ҳамонки, уста ҳалол ишламоқчи экан, нега энди унинг иш ҳақини икки баравар ёки уч баравар оширишга имкон бермаслик керак? — деди у. Айни вақтда яширин бизнес билан бевосита боғлиқ бўлган чайқовчи йўлига ўтиб бўлмайдиган ғовлар қўйиш керак. Ишлаб чиқариш кооперативларига йўлни кенгроқ очиб бериш лозим бўлади, албатта.

Бугун транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар эгаларига солиқ солиш тўғрисидаги Фармон муҳокама қилинаётганида ҳам депутатлар лоқайд бўлишмади.

— Давлат бюджети жуда «оқсаб» қолаётганини ҳисобга олиб биз ҳар бир от кучи ҳисобидан солиқ тўлашга розимиз, — деди Киев область Васильков районидаги «Заря коммунизма» колхозининг раиси Алина Ведмидь. — Аммо нега энди ана шу маблағлар фақат Ноқоратупроқ зонада йўллар қурилишигагина сарфланиши керак, менга буни тушунтириб беришларини истар эдим. Чунки биз томонларда ҳам йўллар яхши эмас...

Комиссия раиси, ВЦСПС касаба союз ҳаракати олий мактабининг ректори Н. Н. Гриценко олиб борган мажлисда ҳозирги шароитда социалистик мусобақанинг истиқболлари муҳокама қилинди. Халқ хўжалигининг у ёки бу тармоғида ходимлар фаровонлигининг энг юксак даражасига эришиш мусобақанинг асосий мезони бўлиши керак, деб таъкидлашди депутатлар.

Депутатлар «Коллектив меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар.

Ю. БЕРСЕНОВ,
А. ДЗЮБЛО,
В. ЕГОРОВ,
В. КИОСА,
ТАСС мухбирлари.

ОНАЛАРНИНГ АЛАМИ

Тошкентда ўзбекистонлик байналмилалчи жангчилар оналарининг учрашуви бўлди. Учрашувни Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети билан республика Хотин-қизлар кенгаши уюштиришди. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси, республика Хотин-қизлар кенгашининг раиси Х. Алимова учрашувни очди.

Байналмилалчи жангчиларнинг оналари учрашувда сўзга чиқиб, инсоннинг юксак вазифаси ҳақида, совет кишиларига хос ватанпарварлик ва байналмилалчилик тўғрисида гапирдилар. Мана шу мардона аёллар — ўғлини кутиб олишга мушарраф бўлганлар ҳам, олис афғон диёрида фарзандлари нобуд бўлганлар ҳам Фарғона фожиаси ҳақида жуда ачиниб гапирдилар. Бебошларнинг ва ашаддий жиноятчиларнинг ғаразли ниятларини қондириш йўлида ўз юртида, тинч вақтда фарзандларидан ажралиш, айниқса аламлидир. Бундай воқеалар такрорланмаслиги керак.

Учрашувда байналмилалчи жангчилар, шаҳар жамоатчилигининг намояндалари сўзга чиқдилар. Улар Афғонистонда хизмат қилиб келган йигитларнинг оилаларига, айниқса фарзандларидан жудо бўлган оналарга ёрдам бериш зарурлиги ҳақида, раҳм-шафқат кўрсатиш тўғрисида, халок бўлганларнинг хотирасини мақтаблар, кўчалар, пионер дружиналарининг номларида абадийлаштириш кераклиги ҳақида, халқ пули эвазига улар учун ёдгорликлар қуриш тўғрисида гапирдилар. Тошкентда шундай ёдгорлик барпо этиш учун ҳозиргача 300 минг сўмдан кўпроқ пул тўпланди.

Учрашув қатнашчилари оиладаги байналмилал тарбияни кучайтириш юзасидан Ўзбекистоннинг барча аёлларига мурожаатнома қабул этдилар.

Шу куни улар Намойишлар хиёбонидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

21 июль куни халқ депутатлари Тошкент область Советининг сессиясида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ривожлантириш комплекс программаси қандай рўёбга чиқарилаётганлиги, шунингдек, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш юзасидан совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Депутатлар область саноат ва қурилиш ташкилотлари бир қанча раҳбарларининг ҳисоботини тингладилар. Сессияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

«КОСМОС-2032» ПАРВОЗДА

1989 йил 20 июль куни Совет Иттифоқида «Союз» учирувчи ракетаси ёрдамида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-2032» учирилди.

(ТАСС).



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси республика халқ хўжалигини бошқаришнинг илмий-техникавий ва амалий муаммолари билан кенг шуғулланмоқда.

Суратда: институтнинг ҳисоблаш марказини кўриб турибсиз.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ суратга олган.

ГАВҲАРГА ТОПИЛМАС ГАВҲАР

«Яхшидан боғ қолади» мақоласини ўқиб

Тажрибали боғбон Маҳмуд ака Мирзаев бундан бир неча ой муқаддам республикамизда боғдорчиликнинг бугунги аҳволидан чуқур ташвишланиб ёзган эди. Энг муҳими, халқимиз дастурхонини мева-чева билан тўкин қилиш йўллари ҳақида фикр юритган эди.

Мен Маҳмуд Мирзаев мақоласи эълон қилингунча у билан учрашган эдим. Воқеа бундай бўлганди. Бемор оғайнимни йўқлаш учун Тошкентга бордим. Удумимизга кўра, мевачева харид қилиш ниятида Олой бозорига кирдим. Март ойлари эди. Расталарга кўз югуртирар эканман, мева-чеванинг нархини кўриб ўйланиб қолдим. Унчамунча одам растага яқинлаша олмайди. Шу воқеа сабаб бўлди-ю ўша куни М. Мирзаев ҳузурига бордим.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, бозордаги нарх-наво ҳақида гап очдим:

— Икки минг гектардан зиёд боғларингиз бор. Мевалар олтиндек товланади. Кўп иш қиляпсизлар. Мени бошқа нарса ўйлантиради. Ҳар йили қанчадан-қанча кўчат етиштиряпсизлар. Лекин бозорда нарх пасаймаяпти. Яхши олма — 3,5 сўм, нок —5-8 сўм, анор — 6-8 сўм, туршак — 8 сўм, ёнғоқ — 6-7 сўм. Бир дона кўчат 3—5 сўм. Нега?

— Сиз айтганларни ўйлаб, менинг ҳам фиғоним ортади, — деган эди ўшанда Маҳмуд Мирзаевич. — Гап билан ўроқ ўриш осон. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг, бир дона данакни экиб, кўчат қилиб бериш учун тўрт йил керак. Шундай вақтлар ҳам бўладики, кўкартирган кўчатларимиз харидор топилмай қолиб кетади. Гапнинг очиғи кейинги пайтларда кўчатга талаб ортди, энди биз улгуролмаяпмиз. Лекин икки-уч йилда эҳтиёжга яраша кўчат етиштириш имкониятимиз бор. Ҳозирнинг ўзида узумнинг 120 навини етиштиряпмиз. Республикамизда шуларнинг 40 хили экиляпти, холос.

Бу нима дегани? Боғдорчилик масалаларига бағишланган мажлисларда баъзи мутасадди ўртоқлар оғиз кўпиртириб гапирадилар, амалий ишга келганда жон қийғитлари келмайди. Пахта яккаҳокимлиги, ҳозир баралла айтилаётганидек, халқимизнинг нафақат чорва маҳсулотларига, балки мева-чевага бўлган ризқини ҳам қийиб қўйган эди.

Бир мисол: «Октябрь 40 йиллиги» номли бизга қўшни совхозда қирқ гектарли боғ қилинган эди. Ўтган йили қарасам, бузиб юборишибди. Кўчатлар қуриб қолган эмиш. Қизиқ одатларимиз бор-да. Бирон жой партов ер бўлиб, қаровсиз ётса, парвойимизга келмайди. Бироқ деҳқон бўш ерга кетмон уриб, экин кўкартирса, ўша заҳотиёқ қаёқдандир ўлчовчи пайдо бўлади. Кейин уни молия ходими чақиради. Назоратчилар, агросаноат вакиллари шўрлик деҳқон ўша ердан воз кечмагунича сувини тинитишмайди.

Ваҳолонки, бўш ётган ерларни экин майдонига айлатираётганларга раҳмат демайиш керак. Ўша идорада ўтириб, қулоғига гап етса, пешона тери тўккан деҳқон ҳосилини ўлчашга чаққон шоввозлар колхоз ва совхоз, корхона ва ташкилотларга қарашли бекор ётган ерларни ўлчасалар, фойдали экин майдонига киритиш ҳақида қайғурсалар бўлмасмикан? Бундай ерлар истаганча топилади.

Халқимиз азалдан миришкор, боғбон. Бундай деяётганимнинг боиси ота-боболаримиз экин учун, жумладан боғ учун жой танлашни яхши билишган. Маҳмуд Мирзаев мақоласида шундай ўринли гап бор: «Ҳозир фақат тоғолди ва тоғ зоналарида камида 150 минг гектар унумдор ерлар бўш ётибди. Агар уларни ўзлаштириб, кўчат эксак борми, яқин келажакда қўшимча 1 миллион тоннага яқин турли хил мева, узум ҳосили олишимиз мумкин».

Дарҳақиқат, қуйи жойларда, чўл зоналарида боғ умри қисқа бўлади, кўчат томири шўр сувга тегиши билан қуриб қолаверади. Мана шунинг учун ҳам Ховос, Зомин, Бахмал, Фориш районларининг тоғолди ва тоғли зоналарида боғдорчиликни кенг ривожлантириш лозим. Афсуски, ҳозирча кўп ҳолларда антиқа воқеаларнинг гувоҳи бўласан, киши.

Етмишинчи йилларда республика Мева ва сабзавотчилик хўжалиги министрлигининг планига мувофиқ Тимирязев номли, «Ховос» совхозларида минг-минг сўмлаб давлат маблағи сарфланиб, «янги боғлар» яратилди. Ховос районининг юқори зонасига чиқаётиб, кўзим тушиб қолди: «янги боғ»ни эски боғлар ўрнидан 5—6 километр пастда—шағал ерда яратишаётибди. Ичим куйганидан шу совхоз директорига: «Бу ерларнинг таги тош, кўчат кўкармайди. Сув ерга уриб кетаверади. Ота-боболаримиз анойи бўлишмаган, шундай текис жойлар туриб, жарлик ва тепаликлардан не-не машаққатлар билан ариқ тортиб, тепаликда боғ яратишган. Чунки тепаликларнинг тупроғи бўлиқ, тагида тош йўқ, деҳқон тили билан айтганда, гўштдор, мағизли ерлар. Мевага ҳашарот тушмайди, бир-икки суғориш билан боғ гуркираб кетаверади» дедим. «План» шундай, оқсоқол. Мен ижрочиман. Эк, дейишди, экяпман. Бу ёғи бир гап бўлар» дея жавоб берди у. Мана, сизга кўр-кўрона ижрочилик оқибати. Мустақил фикрлашни унутиб қўйганимиз, кўпчилик одамлар қалбида шахсий масъулият, ташаббускорлик шамчироғи аллақачонлар сўниб қолганлигининг касри бу.

Тошкентга тушганимда эринмай министрлик раҳбарларига учраб, аҳволни тушунтирдим. Кўрамиз, дейишди. Ўтган йили йўлим тушиб, «янги боғлар»га назар солдим. Кўчатлар сарғайиб, қуриб ётибди.

Яна бир ғаройиб мисол. Янгиер зонаси шамолли, шўрхок, тошлоқ, гармселли. Шу жойдаги «Иваново» совхозининг Ховос қишлоғида картошка экилади. 3—3,5 тонна уруғ қадаб, 4—5 тонна ҳосил олишади. Об-ҳаволи картошкага мутлақо тўғри келмайди. Илгари шу жойда Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози деҳқонлари бир неча йил пахта етиштириб, 30 центнердан ҳосил олишган. Мантиқсизликни қарангки, тоғ этагидаги картошка учун об-ҳаво қулай. Жўрахон Усмонов номли совхозда пахта экилади. Ҳолбуки, бу ер хийла салқин. Икки хўжалик ҳам бир райондa бўлишига қарамай, экин жойларини алмаштириб қўйиш ҳақида ҳеч ким қайғураётгани йўқ.

Тўғри, юртимиз жаннатмакон, шоир айтганидек, кетмон дастасини қадаса ҳам барқ уриб кўкаради. Лекин еримизнинг пасти-баланди, чўли-тоғи бор, бир экин бир жойда ғуж-ғуж ҳосилга кирса, бошқа жойда қуриб қолади. Демоқчиманки, ернинг хусусиятини ҳисобга олиб иш тутиш керак. Қаерда боғ қилиш, қаерда пахта етиштириш хусусида китоб ёзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бундан қирқ-эллик йил олдин кўрган кечирганларимизни эсласак, кифоя.

Ўша пайтларда Ховос ва Зомин тоғ этакларида бир-бирига туташ боғлар бор эди. Ўша боғларни тиклаш, чўл зонасидаги боғлар ўрнида эса пахта етиштириш лозим. Миришкор деҳқон Сатор Усмонов тоғ зонасидаги 150 гектар ерни боғ қилиб, донг таратди. У яратган боғроғлар ҳақида алоҳида фильм суратга олиниб, мактабларда кўрсатувларида намойиш қилинди. Бултур кузда зоминликлар тўй дастурхонини мазаси асалдай Сатор Усмонов узуми безагани ҳеч кимга сир эмас.

Адирликларга сув чиқариш осонмас, албатта. Лекин қаловини топсанг, қор ёнади, деган нақл бор. Сатор Усмонов шундай иш тутди. Чехословакиядан сувни саксон метр юқорига кўтариб берадиган насос олиб келди. Токлар ва кўчатлар шланглар орқали томчилаб суғорилди. Ҳа, томчилаб суғоришда гап кўп. Бунда оби ҳаёт икки-уч баробар кам сарф қилинади.

Боғ ҳақида гап кетса, тезтез болалик йилларимни эслайман. Қишлоғимиз Жўйлангар, Ўратепа тоғларига жойлашган. Ўша пайтлари тўқсон билан тўқнашган, юз билан юзлашган чол-кампир деярли ҳар бир хонадоннинг кўрки, давлати эди. Афсуски, энди ариқлар қариялар қўлтиғидан ҳам ғанимат бўлиб қолишди. Нега шундай? Чунки илгарилари қишин-ёзин мева ейилар эди. Биз болалар ўйнагани кўчага чиқсак оналаримиз чўнтагимизга ё бир сиқим майиз, ё туршак, ёнғоқ солиб қўярди. Узоқ яқиндан меҳмонлар келишса ҳам катта лаганни тўлдириб мева-чева қўйишарди. Шунинг учунми, одамларнинг илиги бақувват, унчамунча касалликларга чалинавермас эдилар. Ҳозир-чи? Эллиққа кирмай эмраниб юрганлар қанчадан-қанча. Чунки мева-чеванинг ўзи танқис бўлиб қолди. Борлари ҳам турли-туман химикатлар билан тўйинган.

Илгари мева дарахтлари ҳам касалликка чалинавермас эди. Экинзорларга маҳаллий ўғит солинарди, Далага чиққан кексаю ёшнинг ҳаммасида «ҳосилот тўрваси» бўларди. Бора-боргунча халтани гўнгга тўлдириб борардилар. Маҳаллий ўғитлар ҳар қандай кўчатни гуркиратиб юборарди. Қовун-тарвузларнинг тилими тилни ёрарди. «Ҳосилот тўрваси»ни тиклаш керак. Қачонгача кўра-била туриб, ўз овқатимизга ўзимиз оғу соламиз? Овқатга билмай туриб заҳар солаётганларга нега энди лом-мим демаймиз?

Ҳамма бало шундаки, кўпчилик одамлар чўлга эл-юрт манфаатини эмас, ўз шахсий манфаатини, чўнтагини тўлдиришни ўйлаб ишга келишмоқда. «Октябрчилар», «сентябрчилар» ҳали ҳам бор, улар пана-пастқамда ёки очиқдан очиқ «пудратчи онла» ниқобида иш кўришяпти, меваларга истаганларича селитра сепишмоқда.

Бир пайтлари Урсатьевск (ҳозирги Ховос) станциясига келсангиз, мева-чеваларнинг кўплигидан кўксингиз тоғдай бўлиб кетарди, харид қилмасангиз, емасангиз ҳам турли хил меваларга қараб кўзингиз тўярди. Ҳар колхознинг ўз дўкони бўлар, ҳўл ва қуруқ меваларнинг бир ёғи Термизу Ашхободгача, бир ёғи Москвагача етиб борарди. Ўша йиллари колхоз ва совхозлар ёки томорқалардаги боғлардан ташқари ариқ бўйларида нок, олма, бодом, ёнғоқ ўсиб ётарди.

Ҳозир бодом анқонинг уруғи. Чўл зонасида ёнғоқ ҳам, бодом ҳам ўстириб кўрилди. Чунончи, «Самарқанд» совхозида ёнғоқзор ташкил этилганлигини кўпчилик билади. Аммо ҳосилдан ҳеч ким баҳраманд бўлгани йўқ. Негаки бу нобуд дарахт томири шўрга етди дегунча, қуриб қолаверади.

Жўйлангар майзини айтмайсизми. Бир пайтлар бозор-ўчарда Жўйлангар майзи деса, одамлар отдан тушардилар, талашиб-тортишиб харид қилишарди. Ҳозир ўша узумзор боғлар ўрни ҳувиллаб ётибди.

Кўпчилик Мирзачўлнинг юқори зонасини билмаса керак. У ерлар олтинга тенг, ҳавоси Кисловодскникидан қолишмайди. Меваси ақиқдай. Хуллас, Мирзачўлга тушган тоғ тизмаси этагидаги ерларда кўҳна узумзор ва боғларни тиклаш керак. Бунинг учун ишчи кучи ҳам, техника ҳам етарли. Ўша боғлар ўрнини текислаб, одамларга ижарага бериб янги узумзор, мевали боғлар яратиш мақсадга мувофиқ.

Тоғ этакларида ҳам муаммолар талайгина. Сирдарё область маркази Жиззах шаҳрини олайлик. Шаҳар бир вақтлар боғ-роғлар билан бурканиб ётарди. Сабаби, у тоғ биқинида, боғдорчилик учун боп. Афсуски, шаҳарни қайта қуриш баҳонасида боғлар бузилди, уларнинг ўрнида янги кварталлар, микрорайонлар бунёд бўлди. Бунёд бўлаверсин, Буни ҳамма юракдан олқишлаяпти. Лекин илгариги боғ-роғлар қани, дегувчи валломат топилмаяпти. Микрорайонларда эса олдинги мевали дарахтлар ўрнига фақат манзарали кўчатлар ўтказилаяпти.

Бунақа мисоллар кўп. Олтмишинчи йилларгача Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Северо-Восток, Сергели, Юнусобод даҳалари, Оржоникидзе, Тошкент, Калинин, Қорасув районларининг ери бўлиб, бари узумзор, мевазор ,резавор эди. Ҳозир кўкка бўй чўзган кўп қаватли уйлар ёнига шумтол, заранг, терак, акас каби манзарали дарахтлар, ёввойи узумлар ўтказилган.

Яқинда Шелковичная кўчасидаги тўрт қаватли иморат ўровисига кўзим тушди. Бино аслида шаҳардаги бошқа кўпқаватли иморатлардан унча фарқ қилмайди. Ҳовлиси ҳам. Лекин бу ҳовлида Ўзбекистондаги бор мевани учратиш мумкин: олма, ўрик, гилос ва бошқа мевалар боғбонлар ҳовлисидагидек барқ уриб ўсиб, мева бериб ётибди. Шу бино ёнидаги кўп қаватли уйлар атрофида эса бутунлай бошқача манзара. Ў жойларда, юқорида айтганимиздек, манзарали дарахтлар. Ажабо тўрт қаватли уй ҳовлисида ўсган мевали дарахтлар нариги баланд уйлар атрофида кўкармас эканми? Шаҳар ижроия комитетидаги ободончиликка масъул кишилар масалага жиддий ёндашадиган пайт келмадимикан?

Эътиборингизни яна бир далилга қаратмоқчиман. 15, 16-трамвайда эски шаҳарга бориб қолсангиз, йўлнинг ўнг томонидаги бузилиши мўлжалланаётган ихчам-ихчам ҳовлиларга бир назар солинг-а? Ҳовлилар бор-йўғи икки-уч сотих. Лекин ҳар бир ҳовлида йўқ деганда бир туп ўрик, тут ёки ёнғоқ ўсиб турибди. Бошқаларида уч-тўрт хил мева дарахти. Уларнинг кўпчилиги камида 80—100 йиллик. Бозорларда стакани бир сўмдан сотиладиган нодир шотутлар,марварид тутлар, балхи тутларнинг меваси шу ҳовлилардан териб чиқилаётир. Тут, ўрик, ёнғоқ мевараларининг қанчалик шифобахш эканлиги ҳақида олимларимиз озмунча ёздиларми? Ёзаверсак, экиб кўкатирмасак, навбати билан кесиб, ўрнига бетон иморат қуриб, теварагига шум тол, терак, заранг экаверсак, бозорда мева арзон бўлармиди?

Усмон Юсуповнинг Мирзачўлда боғ яратиш соҳасида қилган гўзал ишларини билмайдиган, эшитмаган одам йўқ. У киши «4-Боёвут» совхозига директорлик қилган чоғларида кўз фаслида боғдорчилик бригадалари билан уйма-уй юриб, мевали дарахт кўчатларини тарқатар экан. Тарқата туриб:

— Мана, сенга ўн дона мева кўчати. Буларнинг ҳар донаси уч сўмдан, билиб қўй, агар уларни кўкартирсанг бепул, мабодо қуритиб қўйсанг, икки баробар қилиб тўлайсан, — дер экан.

Биз-чи? Ҳар йили минг-минглаб кўчат ўтқазамиз, миллион сўмлаб-маблағ сарфлаймиз. Афсуски, чўнтакдан эмас, давлат ҳамёнидан. Натижанинг эса тайини йўқ. Дастурхонимиз ёз-куз ойларида сал қизарса қизарадики, қишда қуп-қуруқ. Иллат шундаки, бу ишга алоқадор одамлар масъулият ҳиссини баб-баравар ҳис этишмаяпти. Биров не-не ниятлар билан кўчат ўтқазади, биров эса парвойи палак, уни қуритади.

Бинобарин, шовуллаган боғ-роғлар яратиш учун фақат кўчат экиш мавсумида эмас, балки бутун йил бўйи, айни ҳозирги кунларда ҳам мунтазам иш олиб бориш керак. Қаердаки бир туп мева дарахти кесилган бўлса, ўрнига икки туп, эндиликда икки туп камлик қилади, 4—5 туп мевали кўчат экиб ўстириш масаласи қонунлаштириб қўйилиши керак. Қолаверса, боғбоннинг обрў-эътиборини ўрнига қўядиган пайт ҳам келди. Унвон берилмайдиган соҳа йўқ. Шундай экан, нега энди «Халқ боғбони» деган унвон жорий этиш мумкин эмас.

Қайта қуриш шарофати туфайли иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида ер — деҳқонларга, фабрика ва завод — ишчиларга, ҳокимият — Советларга берилиши лозимлиги ҳақидаги ленинча принциплар қарор топмоқда. Бу принципни қатъият билан жорий этиш, боғдорчиликка мос ерларни деҳқонларга узоқ муддатга ижарага бериш лозим. Шундагина дастурхонимиз тўкин, рўзғоримиз бут бўлади, мамлакат Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшамиз.

Худоёр ЛАТИПОВ,
Партия ва меҳнат ветерани, Зомин район «Тараққиёт» совхозидаги «Боғистон» боғдорчилик кооперативининг раиси.

Прокуратура:

Ҳаракат программаси

ССР Иттифоқи прокуратураси коллегиясининг 20 июль куни бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида мамлакатда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволи, СССР халқ депутатлари съездининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. ССР Бош прокурори А. Я. Сухарев олиб борган мажлисда республикалар, ўлкалар ва областларнинг прокуратуралари, ҳарбий прокурорлар ҳамда транспорт прокуратуралари иштирок этдилар.

Сўзга чиққан кишилар жиноятчиликка қарши кураш масалаларига асосий эътиборни қаратдилар. Жиноятчиликнинг ўсиши жамоатчиликни ташвишлантирмоқда ва мамлакатдаги вазиятни беқарорлаштирмоқда. Аҳвол ҳуқуқни муҳофаза қилиш барча органларидан жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош қилиш ва тергов ишларини тубдан қайта қуришни талаб қилаётгани қайд этиб ўтилди. Жамиятга қарши хатти-ҳаракатларнинг, айниқса уюшган, барқарор жиноий гуруҳлар содир этаётган оғир жиноятларнинг пайини қирқиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ва қатъий чоралар кўриш зарурати етилди. Ғаразли жиноятчиликнинг ортиб бораётганлиги, унинг кооператив ва давлат секторига суқилиб кираётганлиги ташвишлантирмоқда.

Мажлис қатнашчилари прокурор назорати йўналишида бошланган ўзгаришларни, унинг ленинча принциплари қайта тикланаётганлигини ўктириб ўтдилар. Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, совет гражданларининг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, уларни ҳар қандай ўзбошимчалик кўринишларидан, маъмурий ва бюрократик бузилишлардан ҳимоя қилиш учун прокуратуранинг Конституцияда белгиланган ваколатларидан тўлиқроқ фойдаланиш лозим.

Мамлакатнинг бир қанча регионларида ҳуқуққа зид ва ниҳоятда ўткир тус олиб бораётган миллатлараро муносабатларга доир муаммолар алоҳида ташвиш билан муҳокама қилинди. Миллатлараро адоватни жўртага авж олдираётганларга нисбатан қонуннинг бутун кучидан энг кўп даражада фойдаланиш, миллатчилик ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий ҳаракат қилиш, айни вақтда миллий характердаги барча талабларга зўр эътибор билан муносабатда бўлиш вазифаси қўйилди.

Қонунчилик бузилишининг олдини олишга доир барча ишларни ғоят кенг ошкоралик шароитида, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари билан доимий алоқада олиб бориш таклиф этилди.

Мажлис ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

Иш одамни қидирадиган бўлсин

Иш қидираётган ва унга муҳтож бўлган барча кишиларни иш билан таъминлаш — Ўзбекистонда етилган ўткир социал муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшиш республика иш билан таъминлаш хизмат муассасаларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. 20 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда ана шу вазифани ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди. Кенгашда республиканинг барча областлари ва катта шаҳарларидаги иш билан таъминлаш марказлари ва бюроларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мана шу ғоят муҳим хизмат ҳали кўп жиҳатдан самарали ишламаётганлиги айтиб ўтилди. Меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлигини ва кўчиб юришини алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш ишлари ҳам йўлга қўйилмаган. Биз, аслида, мамлакатимизда қанча ишсиз борлигини билмаймиз. Халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғига қанча ишчи кераклигини ҳам аниқ билмаймиз. Бундай маълумотларга эга бўлмай туриб, одамларга қайси ишга киришни кўрсатиш ғоят қийиндир. Барча корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, маҳаллий Советлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарур. Бўш ишчи жойлари, бўш лавозимлар борлиги тўғрисидаги, ишга қабул қилинган, бўшатилган ва озод қилинаётган ходимлар тўғрисидаги аниқ ахборот бўлишига эришиш ва улардан моҳирона фойдаланиш керак.

Кадрларга муҳтож корхоналар ва ташкилотларни ҳамда биринчи галда ишга туширилаётган ва кенгайтириладиган объектларни ишчилар билан таъминлаш ўткир масала бўлиб турибди. Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат ва социал масалалар комитети ҳузуридаги аҳолини иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш ва касб танлатиш республика марказининг кенгаши 60 та шундай корхонани ҳисобга олди. Бу йил ана шу корхоналарга 15 минг кишини юбориш керак. Малакасиз ходимлар ўзлари яшаб турган жойда, кадрларга муҳтож бўлган корхоналар базасида нуфузли, яхши ҳақ тўланадиган касбга эга бўлишлари учун уларни қайта ўқитишга эришиш лозим. Сменаларни қўпайтириш ва бунинг эвазига янги иш жойларини вужудга келтириш иш билан банд бўлмаган аҳолини меҳнатга жалб этишнинг муҳим резерви эканлиги айтиб ўтилди. Бизда аёллар ва ветеранлар учун касаначилик меҳнатидан, тўлиқ бўлмаган иш куни режимидан, шартнома асосида ишлашдан, кооператив фаолиятга жалб этишдан ҳамон суст фойдаланилмоқда.

Кенгашда қабул қилинган қарорда аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш марказлари ва бюроларининг келгусидаги вазифалари белгилаб берилди. Асосий мақсад — республиканинг ишчи кучларини қайта тақсимлаш, ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишда ёрдам беришдан иборат.

(ЎзТАГ мухбири).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЕРДАМ УЧУН РАҲМАТ

● Свердловск темирйўлчилари ўзбекистонлик ҳамкасбларига «Ёрдам учун раҳмат», — деб телеграмма бердилар. Қўқон ва Андижон темирйўлчилари, магистралнинг бошқа меҳнаткашлари ураллик ўртоқлари билан бирга мамлакатдаги энг катта станциялардан бири — Свердловск—Сортировочный станциясининг кириш қисмини таъмирладилар. Вазифа 28 кунда бажарилди, аслида планда бу иш учун икки ой ажратилган эди. Зарбдор меҳнатга Андижон кичик станциясининг инженери А. Беков раҳбарлик қилди.

«ГҮНЧА» — ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

● Чирчиқдаги «Гунча» тикувчилик бирлашмаси коллективи юқори синф ўқувчилари учун янги моделдаги костюмлар ишлаб чиқаришга киришди. Жун газламадан тикилган энг замонавий бичимдаги костюм ўқувчиларга маъқул тушиши шубҳасиздир. Бу кийим ғоят қулай бўлиб, унда ноёб тугма-илмоқлар қўлланилган. Чирчиқ тикувчилари биринчи сентябрга мактаб ўқувчилари учун савдо тармоқларига 20 мингта костюм етказиб бериш ниятидадирлар. (ЎзТАГ).

● БУГУН — ПОЛЬШАНИНГ ТИКЛАНИШ КУНИ

МАШАҚҚАТЛИ КУНЛАР ВА ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ УМИДИ

Бугун Халқ Польшаси ўзининг 45 йиллигини нишоҳтда мураккаб шароитларда нишонламоқда. Бир томондан, мамлакат олдида қанчадан-қанча қийинчиликларни бартараф этиш вазифаси турса, иккинчи томондан бу тангликдан қутулиш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфланмоқда. Урушдан кейинги даврда мамлакат индустриясида ишлаб чиқаришнинг янги тармоқлари вужудга келтирилди. Металлургия, машинасозлик, электротехника, химия, озиқ-овқат, енгил саноат биринчи ўринга чиқди. ПХР ишлаб чиқаришнинг баъзи тармоқларида, масалан кемасозликда жаҳондаги дастлабки ўринлардан бирини эгаллайди. Тошкўмир ва кулранг кўмир, мис, олтингугурт ва туз экспортда муҳим роль ўйнаяпти.

Польша қитъа марказида жойлашганлигидан халқаро транспорт ва алоқада марказий ўринлардан бирида турибди. Темир йўллар 27 минг километрни, тош йўллар 250 минг километрни ташкил қилади. Польшанинг «ЛОТ» самолётлари дунёдаги 40 та мамлакатга қатнаяпти. 35 хорижий авиакомпания Варшава аэропорти хизматидан фойдаланаётир. Савдо флотида 250 та кема бор. Польша жуда кўплаб яхши тайёргарлик кўрган мутахассис кадрларга эга. Бошқача айтганда, мамлакат халқ хўжалигининг уйғун ривожланишини таъминловчи барча шарт-шароитлар мавжуд.

Амалда эса аҳвол ўзгача. Польша экономикаси катта қийинчиликлар исканжасида. Бу нарса, энг аввало, ташқи қарзлар (36 миллиард доллар ва 6 миллиард сўм) нинг юқи, бюджетдаги дефицитнинг юқорилиги, пулнинг тобора қадрсизланиб бораётганлиги ҳамда айрим молларнинг кундан-кунга етишмаётганлиги билан боғлиқдир. Масалан, мамлакатда телевизор, кир ювиш машиналари, шунингдек, кийим-кечак ва пойабзал борган сари тақчиллашмоқда.

Польша экономикаси анчагина имкониятларга эга бўлишига қарамай, серунум эмас. У маъмурий-буйруқбозлик системасига хос барча нуқсонлар билан «касалланган». У ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг усул ва услубларида намоён бўлмоқда. Мамлакат жуда катта машаққатлар билан чет элдан олган қарзларининг процентларинигина тўлашга улгурмоқда, холос. Оқибатда қарзи кўпаяпти. Натижада ПХР хорижий мамлакатлардан ишлаб чиқариш учун материаллар ва хом ашё сотиб олишда, шунингдек, импорт эвазига ўзининг машина паркини ва асбоб-ускуналарни янгилашда жуда қийналмоқда.

Мамлакатда туб иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ўтказиш зарурати етилди. Халқ хўжалигида маъмурий-буйруқбозлик системасидан воз кечиш туб демократик ўзгаришларни ясаш, касаба союзларининг ролини тубдан ўзгартириш, фаол жамоат ташкилотларини вужудга келтириш, аҳолининг тўлақонли ўз-ўзини бошқарувини вужудга келтириш билан бирга амалга оширилиши лозим. Оппозиция давлатнинг сиёсий ҳаёти, жумладан, сейм ва сенатда иштирок эта бошлади. Хуллас, мамлакатда қайта қуришга ёрдам бера олувчи барча кучларни фаоллаштириш амалга оширилмоқда.

Экономикани қайта қуриш, чўзилиб кетган тангликни бартараф этиш — энг қийин, биринчи навбатдаги вазифалардан бўлиб, бусиз халқнинг ислоҳотларни қўллаб-қувватлашига умид боғлаб бўлмайди.

Иқтисодий тараққиёт йўлидаги тўсиқлар қадамба-қадам бартараф этиляпти. Раҳбарликнинг эскирган усулларни улоқтириб ташланмоқда. Барча секторлар — давлат, кооператив ва хусусий секторларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилди. Бу, айниқса, ҳунармандлар, шунингдек, юз минглаб деҳқонларнинг ҳусусий корхона ва хизмат кўрсатувчи фирма эгалари учун катта аҳамиятга эга. Саноатда давлат секторининг маъмурий аппарати кескин қисқартирилди. Бир неча тармоқ министрликлари ўрнига битта умумий саноат министрлиги ташкил этилди. План комиссиясининг структураси ва вазифалари ўзгартирилди. Саноат корхоналарига кенг кўламда мустақиллик берилди. Улар ишни ўз билгичларича олиб бормоқдалар ҳамда давлат билан ҳисоб-китобни солиқ системаси орқали ҳал этадилар. Агар фойда ўрнига зарар кўрсалар, бундай корхоналар синиши турган гап.

Бу жараён эндигина бошланганлиги туфайли қийинчиликларга дуч келинмоқда. Тармоқда устуниликка эга корхоналар ҳам борки, улар ҳозирча нархни ошириш ҳисобига кўплаб фойда олмоқдалар ва бу билан истеъмолчиларнинг ҳақли норозилигига дуч келмоқдалар. Бундай монополистик тенденцияларга қарши курашиш программаси ишлаб чиқилган. Бироқ уларни рўёбга чиқариш қийин кўчяпти. Негаки, экономикамиз учун янгилик бўлган кўп нарсаларни ҳали ўзлаштиришимиз лозим.

Ишлаб чиқаришнинг эскиб қолган, кам самарали тармоқларини ва айрим корхоналарни аста-секинлик билан йўқотиш, шунингдек, экономиканинг замонавий тармоқларини ривожлантириш программаси жорий этилмоқда. Айни пайтда экологиянинг ўсиб бораётган талабларини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Атроф-муҳит учун зарарли бир қатор металлургия корхоналари ёпилди.

Ушбу режаларни амалга оширишдаги асосий мушкуллик шундаки, уларни рўёбга чиқариш учун анчагина маблағ керак. Маблағ эса йўқ. Мисол учун, ҳозирги пайтда биз мисни ёмби шаклида экспорт қиляпмиз. Аслида эса уларни мис қувурлари ва кабель шаклида четга сотганимизда эди, анчагина фойда кўрардик. Лекин бундай қувурлар ва кабеллар ишлаб чиқаришни авж олдириш учун капитал маблағ зарур. Бошқача айтганда, қўшимча маблағлар, асосан валюта керак.

Бизда уларнинг ўзи аслида йўқ. ПХРдан кумуш ва қайта ишланмайдиган бошқа материал ва хом ашёларни экспорт қилишда ҳам шундай аҳвол мавжуд.

Польшада, унинг олдида турган мураккаб вазифаларни ҳисобга олган ҳолда экономикани ривожлантириш учун бошқа давлатлар — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳам шунингдек, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар билан ҳам ҳамкорликни кенгайтириш лозим, деб ҳисобламоқдалар. ПХР ва СССР ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик илгари мавжуд бўлган қаттиқ режимдаги доирадан четга чиқяпти. Яъни, 450 та поляк ва шунча совет корхонаси тўғридан-тўғри алоқага киришди. 9 та қўшма корхона барпо этилди. Чегарабўйи товар алмашинуви ривожланмоқда. Бу, янги, ишончли, ўзаро ҳамкорликнинг бошланиши холос.

Чет эл капитали иштироки билан дастлабки корхона ҳам ташкил этилди. Польша Европа иқтисодий ҳамжамияти билан шартнома тузишга интилмоқда. Бу ҳамжамият Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан бевосита алоқа ўрнатган. Польша чет эл капиталини кенг миқёсда ўзига жалб этишга ҳамда қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш орқали бўйнидаги оғир юкни қисқартириб боришга ҳаракат қиляпти.

Шу тариқа жуда кўплаб қийинчиликлар борлигига қарамай, кўрилаётган чора-тадбирлар юксак самара беради, деб умид қилмоқдамиз.



Эугениуш ВАШЧУК, поляк журналисти. (Интерпресс — АПН).

Суратда: ПХР пойтахти Варшава марказидаги «Форум» меҳмонхонаси.

ЦАФ — ТАСС сураги.

УРУҒ

Омон МАТЖОНга

Тумандай тумшайган чўққи тагида бугдой бошоқламоқда. Чўққи унга таажжуб билан боқиб, мийиғида кулди. Бугдой буни сезмагани олиб, бошоқлайверди. Фақат юлдузлар билан сўйлашгувчи чўққи: «бир гал у билан гаплашсам, пасайиб қолмасман», деб ўйлаб, саволга тутди:

— Эрта-индин ўрилишингни биласанми ўзи?

— Биламан.

— Шундаям бошоқлайверасанми?

— Бошоқлайвераман.

— Ё ажаб!

— Ажабланадиган жойи йўқ-ку.

— Сен шундай деб ўйлайсан-да.

— Сен-чи?

— Менми? ...Мен сенинг ўрнингда бўлганимда бошоқламасдим.

— Нега?

— Барибир ўришади-да.

— Бу сенинг фалсафанг.

— Хўш... сеники-чи?

— Мен бошоқлайвераман. Яшашимнинг мазмуни ҳам шунда.

— Ё ажаб!

— Тағин нега ажаблананяпсан?

— Сенга раҳмим келяпти, ғўдак. Ахир умринг кўз очиб юмгунча-ю...

— Ҳар ҳолда сеникидан узоқроқ.

— Мен асрларни қаритиб яшаяпман-ку, тентак!

— Тўғри. Лекин нурасанг ўрнингдан бошқа чўққи ўсиб чиқадими?

— ...

БЕЧОРА ОДАМ

Мухтор ферма у ёқ бу ёғини тузатиб, оқ уйга кирди. Раис ўрнидан туриб, у билан кўришди. Мухтор ферма бундан қувонди.

Улар чорва ҳақида анча гаплашдилар. Сўнгра раис басавлат қаддини ростлаб, икки қўлини орқасига олиб, қип-қизил гиламлар тўшалган кенг, узун, равшан хонани бир айланиб чиқди ва Мухтор ферманинг олдига келиб тўхтади.

— Умуман, Сиз маладессиз, Мухтор ферма, — деди у офтоб кўрмаган оқ, хиёл узун, ажинсиз юзини ингичка қўли билан силаб, — ҳамма планларни ошиғи билан бажардингиз. Бунинг устига чўчқаларни кўпайтирдингиз. Қўйга қараганда у ўн-ўн беш марта кўп болалайди, тўрт-беш марта кўп гўшт қилади.

— Хўп бўлади, раис бобо, — Мухтор ферма унга қарашга ботинмай, хамирранг, семиз, юмалоқ юзига ярашмаган ясси чаккасини қашиди, — фақат жой масаласи...

— Янги чўчқахоналар қурдиринг, — раис унинг сўзини бўлди, — маблағ етарли.

— Хўп бўлади, раис бобо.

— Баракалла. Энди бундай, ҳали келишганимиздай, бу йилги планларни муддатидан олдин бажарасиз.

— Хўп бўлади, раис бобо.

— Бирор план ўринланмай қолса, ўзингиз биласиз, анави пахта бригадиридай...

— раис гапи охирини атайлаб айтмади.

Бу гапдан Мухтор ферманинг юраги орқасига тортиб кетди. Унга ферма мудирлигидан кетиш, ҳаётидан кўз юмишдай гап. У узоқ йилдан бери раиснинг чизган чизиғидан чиқмай, шу ишда ишлаб келмоқда. Агар план бажарилмаса, раис буни эътиборга олмайди, шартта ишдан бўшатади. Ахир анави, пахта бригадирининг эл олдида обрўси катта эди, эски коммунист, фронтовик эди. Ўттиз йилдан бери бригада бошлиғи бўлиб, орден-медаллар олганди. Бригадаси икки йил устма-уст планини ўринламаганига уни ишдан олишди. Мухтор ферма унинг олдида ким?

Раис учун бош масала — план!

— Нега ўйланиб қолдингиз?

Мухтор ферма чўчиб тушди.

— Планни бажарамиз, раис бобо, — деб юборди шошиб.

— Бу бошқа гап. Энди сизга рухсат.

Мухтор ферма колхоз оғилхонаси ёнидаги қийшиқ тутга боғланган қора отини ечиб минди ва тоғ орасидаги фермага жўнади.

Фермага келгач, отдан тушмасдан чўпон-чўлиқ ва сут соғувчиларни пичан ғарами ёнига йиғди. Январь ойи юз очганидан ҳаво совуқ. Ерда тўпиқ баравар қор қотиб ётибди.

Осмоннинг ҳар жой-ҳар жойига елимдай ёпишиб ётган юпқа, сур булутларни ҳисобга олмаганда у кўмкўк. Мухтор ферма аёздан жунжикаётган одамларга мулойим боқиб, раиснинг гапини оқизмай-томизмай айтди.

Мухтор ферманинг гапи йиғилганларга унча сингмади. Ғала-ғовур бошланди.

Мамадали МАҲМУДОВ

ҚАТРАЛАР



Пакана, укки кўз, қирра бурун бир чўпон чол очиқдан-очиқ эътироз билдирди:

— Молхоналар ночор, емхашак кам, моллар ориқ, ҳар юз совлиқдан бир юз-у етмиш бештадан қўзи, ҳар қўйдан тўрт ярим килодан жун олиш қийин. Чўчқалар ҳам...

— Э, шу, ўзингиз қандай одамсиз? — Мухтор ферма унинг гапини кесди, — катта нима деса шуни қиламиз-да.

— Нима у худомиди?

— Ҳаддингиздан ошманг! — Мухтор ферма қамчисини силтади.

— Э, қўйинг, — ёнидаги киши чўпон чолнинг биқинига туртди, — бу бир бечора одам-да, ўзи отда бўлса ҳам, жилови раисда...

Қоронғи гўрдай чўкди, нинали изғирин бошланди. Одамлар совуқдан дийдираб, тортишувдан безиб, раис айтган мажбуриятни олиб, уйларга қайтдилар.

ҚУРУҚ ЯПРОҚЛАР

Дара оралаб оқаётган сойнинг шимоли тепалик ҳам жарликлардан иборат. Бу жойлар қалин дарахтлар билан қопланган. Оқ-қора қоя қошидаги кекса тол улардан танасининг кавакликлари билан ажралиб турибди. Унинг қулоч етмас қинғир шохида талай йилдан буён талай япроқ қўзга тушган оқдай қотиб ётибди. Бу илон терисидай қуруқ, заҳардай сариқ япроқлар қалин шох, бутоқлар орасида. Шу сабабли уларга жазирама ҳам, аёз ҳам, бўрон ҳам ўз ҳукмларини ўтказишолмаяпти, аксинча уларнинг ўзи мовий барглари қисиб турибди.

Бу қуруқ япроқлар на тупроқ, на қуёш, на сув исини туяди, на ҳаёт, на ер оқишини кўради ва на деҳқон қўшиғини эшитади!

ЗАРДОЛИ

Қишлоқ четида бир туп зардоли бор. Унинг танаси кавак, Кавакда қурт-қумурсқалар.

Ёзда зардоли тагидан одам узилмайди.

Унинг мевасидан ҳамма баҳам кўради.

Айрим кишилар зардолининг шохларини ўтин қилиш учун қирқиб кетишади.

Зардоли мева бераверади.

ЗАНГ

— Оҳ, ширин экан!

— Тилни ёради-я!

— Карсиллаганига қара!

Қишилар ер бағирлаб ётган зангга ўтириб, узумини ейишмоқда...

САҲРО

— Қорақум саҳроми?

— Саҳро.

— Қизилқум саҳроми?

— Саҳро.

— Йўқ, саҳро менинг бошим.

МАЙМУН ОДАМ

— Бир уй қурдим, тенгсиз уй,
ичига кирсанг орзинг очилиб қолади.
Бир қизга уйландим, каттанинг қизига,
Ўзиям бир қошиқ сувга чайиб ичгудек қиз.
Бир ишга ўтдим, катта ишга, ёғли ишга...
— Тағин менга нима керак?

• Ёнғин сабаблари

Республикамизда ёнғинга қарши кенг миқёсда кураш олиб борилаётганига қарамасдан бу ҳол камаймаётир. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи Эркин Норсодиқович НОРГИТОВга мурожаат қилиб, бу соҳадаги аҳволни шарҳлаб беришни илтимос қилди:

— Умуман олганда, ҳар йили ер юзида 6 миллиондан ортиқ ёнғин содир бўлмоқда. Бу инсон ўз меҳнати билан бунёд этган моддий бойликларни кулга айлантирибгина қолмасдан, минглаб одамлар ҳаётини ҳам олиб кетмоқда. Республикамиз бўйича эса ҳар йили 18 минг масъул ходимларига нисбатан маъмурий жазолар берилган эди. Ҳозирги кунда ёнғин чиқиши сабаблари чуқур ўрганилмоқда.

Ярада соат тўққизда Сурхондарё областининг Сариосиё районидаги Узун посёлкасидан чиққан Р. Бобомуротов бошқарган 78-16 СДБ рақамли Восход-3 мотоцикли Н. Каххоров бошқарган район агросаноат бирлашмасига қарашли 66-50 СДЛ рақамли ЗИЛ-130 юк автомобили билан тўқнашиб кетади. Натижада бензин тўкилиб кетиб, ёнғин кўтарилади ва Бобомуротов қаттиқ жароҳатланади. Йўлда ўтиб кетаётган ҳайдовчилар ўзларини йўқотиб қўйиб, жабрланганларга биринчи ёрдамни кўрсата олмайдилар. Улар воқеа содир бўлган ердан бир неча километр нарида ги районда марказига жойлашган ўт ўчириш қисмига хабар бериш билан чекланадилар.

Кўпинча ёнғин чиқишига оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлинаётгани, газ ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, тегишли қонун-қоидаларга амал қилмаслик сабаб бўлмоқда. Самарқанд область Иштихон районидаги Фрунзе номли колхозда яшовчи Раҳматулла Алламов уйида балонни газдан нотўғри фойдаланиш орқасида ёнғин чиқди. Натижада оила аъзолари жароҳатландилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Яна шу нарсани айтиб ўтиш керакки, газлаштириш соҳасида ишлайдиган масъул ходимлар ишда бракка йўл қўймоқдалар. Газ балонларини тўлдириш, синаш ва текширишда жараёнида технология қоидаларига амал қилмаётирлар. Бунинг устига газ балонларини олиб келадиган техник-экспедиторлар мижозларга ана шу қурилмалардан тўғри фойдаланиш қоидаларини тушунтирмаётирлар. Ана шуларнинг барчаси ёнғин чиқишига сабаб бўлаётган омиллардир.

Болаларни ёнғиндан эҳтиёт қилиш масаласи ҳақида кўп гапирилади. Лекин бу борада ҳам аччиқ мисоллар кўп. Булунғур районидаги Улуғбек номли совхозда 10 май куни совхоз ишчиси хонадонига ўт тушди. 3 ёшга тўлмаган икки бола қаровсиз қолдирилганлиги натижасида ёнғинда ҳалок бўлди. Ургут районидаги Бешкапа қишлоғилик Узоқов ва андижонлик Насриддинов оиласида ҳам худди шундай бахтсиз фожиа юз берди.

Ёнғин хавфсизлиги масаласини ҳал этиш учун нималарга эътибор бериш зарур, деган ҳақли савол туғилади. Чунки атрофимизни ўраб турган муҳитда ёнғин хавфини туғдирувчи моддалар кўп. Айниқса, ҳозирги замонавий квартираларда паралон, полиуретан, пенопласт, пластика, бўёқ ва ярим эфир қопламалар, аэрозол балонлари, кўплаб ток ўтказгичлар, шунингдек, тез ёнадиган телевизорлар, электр қўнғироқлар ва бошқа электр манбаалари мавжуд. Шундай қилиб, ҳар бир уйда ёки квартирада ёнғин келиб чиқишига сабаб бўладиган 40 га яқин манбаа бор. Шунинг учун ҳам ҳамиша ҳушёр бўлишимиз, бу масала билан фақат ёнғиндан сақлаш органларигина эмас, балки барча ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, умуман, жамоатчилик жиддий шуғулланишлари керак. Аввало ҳалқ маорифи соҳасида ёнғин хавфсизлиги бўйича дарс берадиган ўқитувчи масаласини ҳал этиш даркор. Амалий ишларга эса ёнғиндан сақлаш ходимларини жалб этиш, шунингдек, СССР Ички ишлар министрлиги Олий ўт ўчириш техника мактабининг Тошкентдаги факультети, Тошкент ўт ўчириш техника билим юрти, республика Ички ишлар министрлиги ёнғиндан сақлаш бошқармаси ўқув маркази базасида қайта тайёргарлик ишларини йўлга қўйиш лозим.

Бундан ташқари, кўнгилли ўт ўчириш жамияти, бошқа манфаатдор ташкилотлар ва жамиятлар билан ҳамкорликда ҳар бир район марказида, шаҳарларда аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўргатиш бўйича хўжалик ҳисобида ўқув-методик марказлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ўтган йили қабул қилган тегишли қарорига мувофиқ шу йил май ойида республика Компартияси Марказий Комитети ёнғинларга қарши кураш масаласини атрофлича кўриб чиқди ва ёнғин хавфсизлиги масалаларини таҳлил қилиш билан бирга кенг тушунтириш ишларини ташкил этишни кучайтириш, аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Бундан буён республикамиз ўт ўчириш ходимлари ёнғинга қарши кураш соҳасидаги ўз ишларини қайта қура бориб, меҳнаткашлар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш хусусида тушунтириш ишларини янада кучайтирадилар.

ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ



БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Урганчдаги «Колокольчик» болалар боғчасида кичкинтойлар учун керакли бўлган ҳамма шароит яратилган. Шунинг учун ҳам улар бу ерда соғлом ва бардам ўсмоқдалар. Бундан ташқари боғчада тарбияланаётган юз эллиқдан ортиқ бола саломатлик группасига бириктирилган. Ў область врачлик-физкультура диспансери томонидан ташкил этилган бўлиб, унга малакали шифокорлар жалб этилган.

Бу ерда болалар мутахассислар томонидан махсус ишлаб чиқилган программа асосида даволанмоқдалар. Бундай яхши тадбир республиканинг бошқа болалар боғчаларида ҳам йўлга қўйилса гоятда мақбул бўлур эди.

Қ. ОТАЕВ сурати. (ЎзТАГ).

СПОРТ

ЕШЛАР ЎЙИНЛАРИ:

ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари программаси бўйича мусобақалар давом этмоқда. Ўзбекистон ёшлари бўлажак олимпиадачилар сифатида маҳорат кўрсатишга, командалари мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Донецк шаҳрида спорт гимнастикаси мусобақасида вакилларимиз бешинчи ўринни эгаллаб, кучли олтиликдан жой олишди. Шахсий ҳисобда Елена Левочкина маҳорат кўрсатди. Симферополда эса бейсболчилар ўзаро учрашдилар. РСФСР командаси биринчи ўринни эгаллади. Украина, Ўзбекистон, Грузия коллективлари бир хил очко тўплаб, қолган икки ўрин эгаларини аниқлаш учун қўшимча ўйинлар ўтказишга тўғри келди. Бунда Украина ва Ўзбекистон командалари кумуш ва бронза медалларини олдилар, Футболчиларимиз эса Краматорск шаҳрида иккинчи учрашувни Туркманистон командаси билан ўтказиб (2:1), очколарини тўғттага етказишди.

СССР КУБОГИ:

РАҚИБЛАР АНИҚЛАНДИ

1/16 финал учрашувларидан кейин кучлилар сараланди. Нимчорак финалда «Торпедо» (М) — «Черноморец», «Жальгирис» — «Локомотив» (М), «Спартак» — «Динамо» (Мн), Динамо (М) — «Арарат», «Динамо» (К) — «Динамо» (Тб), «Пахтакор» — «Металлист», ЦСКА — «Ротор», «Крылья Советов»—«Шахтёр» коллективлари ўзаро учрашадиган бўлишди. Дастлабки ўйинлар 12 ноябрь куни бўлади.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

24 июль, душанба

ЎзТВ-I. 16.00 «Парвоздаги турна». Бадиий фильм. 17.20 Телефильмлар. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ленинанинг таътиллари». 18.30 Шоирлар — болаларга. 19.15 Телефильм. 20.00 Ахборот. 20.20 «Назорат экрани». 21.00 Ака-ука Исломовлар чалади. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Галати аёл». Бадиий фильм, 1-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 Мультфильм. 9.45 Футбол шарҳи. 10.15 «Осиё». Бадиий фильм. 11.35 «Адигей халқ ижоди». 12.15 Мўъжизасиз мўъжизалар. 16.05 Концерт. 16.35 «Қизил ўтов». Бадиий фильм. 17.40 Мультфильм. 18.00 Ҳужжатли фильмлар. 18.40 «Фестиваль белгилари». 19.10 Мультфильмлар. 19.25 Шеърият. 19.30 Виз ва экономика. 20.15 Мультфильм. 20.30 «Юбилей тангоси». Спектакль. 21.30 Время. 22.05 Ҳуқуқий видеоканал. 23.35 Дунё воқеалари. 23.50 Футбол шарҳи. 00.20 Концерт.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 «Андрей Рублев». 9.15 Фильм-концерт. 9.45 Мультфильмлар. 10.25 Итальян тили. 10.15 С. Есенин шеърлари. 11.30 Ву дунёни ҳалажонлантирмоқда. 11.45 «Қора денгиз тўлқинлари». Бадиий фильм, 5-серия. 13.00 «Тайга ҳиссаси». 13.30 «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм. 14.55 Концерт. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 18.40 Мультфильм. 19.00 Концерт. 19.15 Бошқирдистон телевидениеси. 20.25 Реклама. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Волейбол. Халқаро турнир. 21.30 Время. 22.05 Кинолавка. 22.55 «Тонгги почта». 22.30 Янгиликлар.

25 июль, сешанба

ЎзТВ-I. 16.00 Телефильм. 16.10 «Галати аёл». Бадиий фильм, 1-серия. 17.30 «Абитуриент-89». 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.45 Элга хизмат: талаб ва таклиф. 19.20 Санъат оламида. 20.00 Ахборот. 20.20 Қадрият. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Ахборот. 22.20 «Сув ва гўза». 22.50 «Галати аёл». Бадиий фильм, 2-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.25 Телевизион спектакль. 10.25 «Бу бўлган... бўлганди». 10.45 «Инсон ва қонун» 12.15 Футбол шарҳи. 16.05 «Севги бу ёшда». Бадиий фильм, 1-серия. 17.05 Ҳужжатли фильм. 17.25 Халқ қўйлари. 17.40 Мультфильм. 17.50 Кубанинг миллий байрами. 18.30 Миллатлараро муносабатлар. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.00 «Волний стрелок Верлинда». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 Футбол. Динамо (Мн) — «Днепр». 23.50 Ҳужжатли фильм. 01.00 «Мангулик» симфонияси.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.25 Фильм-концерт. 9.55 Мульт. фильмлар. 10.25 Француз тили. 10.55 Ритмик гимнастика. 11.25 Янгиликлар. 11.35 «Қора денгиз тўлқинлари». Бадиий фильм, 6-серия. 12.50 Француз тили. 13.20 Кинолавка. 14.10 Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Янги йилингиз билан!» Бадиий фильм. 18.55 Реклама. 19.00 Мультфильмлар. 19.15 Ритмик гимнастика. 19.45 Концерт. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.00 «Янги йилингиз билан» Бадиий фильм. 23.15 «Оренбург оқшомлари». 00.05 Янгиликлар.

26 июль, чоршанба

ЎзТВ-I. 16.00 «Галати аёл». Бадиий фильм, 2-серия. 17.10 Кинопрограмма. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Болалар учун фильм. 18.40 «Камалак». 19.30 Телефильм. 20.20 Ахборот 20.40 «Сувичун — шеърият...» 20.50 «Навоийхонлик». 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.30 Концерт.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.45 «Камалак». 10.10 «Волний стрелок Верлинда». Бадиий фильм. 11.40 Футбол. «Динамо» (Мн) — «Днепр» 12.30 Дунё бўйлаб. 16.05 «Севги бу ёшда». Бадиий фильм, 2-серия. 17.05 «Музикали хазина». 17.45 Мультфильм. 17.55 «Очиқ дарс». 18.25 «ТелеЭКО» журнали. 18.55 Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Алисия Алонсо саҳнада ва ҳаётда». 19.55 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Халқаро телевизион фестивал ҳақида. 22.45 Футбол. «Спартак» — «Торпедо» (М).

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.25 Фильм-концерт. 9.45 Мульт. фильмлар. 10.20 Немис тили. 10.50 Ҳужжатли фильм. 11.10 Концерт. 11.35 Янгиликлар. 11.45 «Қора денгиз тўлқинлари». Бадиий фильм, 7-серия. 12.40 Немис тили. 13.10 «Янги йилингиз билан». Бадиий фильм. 14.25 Волейбол. Халқаро турнир. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Белла вистадаги гаровга ушланган киши». Бадиий фильм. 19.00 «Белорусс экватори». 19.55 Борис Пастернак. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Белла вистадаги гаровга ушланган киши». Бадиий фильм. 23.30 Янгиликлар.

27 июль, пайшанба

ЎзТВ-I. 16.00 Телефильм. 16.30 «Қора капитан». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Фильм-концерт. 18.40 Наманган областида медицина хизмати. 19.10 «Дала неъматлари — эл дастурхонига». 19.40 Комсомол прожектори. 20.00 Ахборот. 20.20 Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.45 Футбол. «Спартак» — «Торпедо» (М). 10.35 Концерт. 16.05 «Севги бу ёшда». Бадиий фильм, 3-серия. 17.15 Концерт. 17.45 Мульт. фильм. 17.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.40 Шеърият. 18.45 «Ҳокимият — Советларга». 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 1989 йил қўшиқлари. 19.45 Врач — психотерапевт билан учрашув. 21.20 Время. 22.05 Испан операси юлдузлари. 23.00 «Дўстларимиз акрани». 24.00 Дунё воқеалари.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.15 Фильм-концерт. 10.20 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 10.25 Испан тили. 10.55 Ҳужжатли фильм. 11.25 Янгиликлар. 11.35 «Қора денгиз тўлқинлари» Бадиий фильм, 8-серия. 12.50 Испан тили. 13.20 «Белла вистадаги гаровга ушланган киши» Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Номаълум мамлакатдан юборилган мактуб». Бадиий фильм. 19.30 «Будапешт баҳори». 19.15 Кинонованалар 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Номаълум мамлакатдан юборилган мактуб». Бадиий фильм. 23.30 Сиз яратган боғ. 24.00 Волейбол халқаро турнир. 00.45 Янгиликлар.

28 июль, жума

ЎзТВ-I. 16.00 «Ўтмиш билан учрашув». Бадиий фильм. 17.25 Кинопрограмма. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.35 Аёл қалби наволари. 19.15 «Рангинкамон». 21.00 Ахборот. 20.20 Мультфильм. 20.45 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.30 Эртага — премьера.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 10.00 Дўстларимиз экрани. 11.00 Врач-психотерапевт билан учрашув. 12.45 Экологик программа. 16.05 «Севги бу ёшда». Бадиий фильм, 4-серия. 17.05 Мульт. фильм. 17.35 Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади. 18.35 Интерсигнал. 19.05 «Гамгин вальс». 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Фалсафий суҳбатлар. 20.25 «Салобатли жаҳият душмани». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.05 «Салобатли жаҳият душмани», Бадиий фильм, 2-серия. 23.20 Бу бўлган... бўлганди. 23.40 Дунё воқеалари. 23.55 Оммавий куй янгиликлари.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.10 Балет фестивали. 9.50 Мульт. фильмлар. 10.20 Инглиз тили. 10.50 Фильм-концерт. 11.25 Янгиликлар. 11.35 «Кимсан, чавандоз?». Бадиий фильм. 12.55 Инглиз тили. 13.25 «Номаълум мамлакатдан юборилган мактуб». Бадиий фильм. 14.15 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгиликлар. 17.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 Мультфильм. 19.15 Спорт программаси. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 Фильм-концерт. 23.30 Янгиликлар. 23.40 «Машъум учрашув». Бадиий фильм.

29 июль, шанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Шанба экрани. 10.30 Табассум. 11.30. Ҳужжатли экран. 12.30 Замандас. 13.30 «Чанғак» видеофильми ҳақида. 14.30 Вевосита мулоқот. 15.30 Гулистон таклиф этади. 15.40 Оролбўйи муаммолари. 18.05 Мультфильм. 18.20 «Кизиқчи-89». 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Дўстлик экрани. 23.05 «Тошкент» студияси кўрсатади.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Сиз яратган боғ. 9.35 Мульт. фильмлар. 10.15 Озарбайжон филармонияси. 11.15 Инсон институти. 12.15 Голиблар. 13.15 Концерт. 13.40 Соцалиэм мамлакатларида. 14.10 Болалар учун фильм. 15.25 Дунё воқеалари. 15.40 Мультфильм. 15.50 Ҳужжатли фильм. 16.40 Концерт. 17.25 Бизнинг бурчимиз. 17.55 Ҳайвонот оламида. 18.55 Сенга севаман, ҳаёт! 19.00 9-студия. 20.00 «Сизнинг фарзандингиз ва ақангиз». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Телемошабини ҳамроҳи. 22.25 Спектаклдан сўнг. 23.40 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.50 Қишлоқ янгиликлари. 9.50 «Олтин дарё». Бадиий фильм. 11.25 «НТМ». 11.40 Спорт ва шахс. 12.15 Эфирда музика. 13.15 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.20 Эфирда музика (давоми). 14.20 Ҳужжатли фильмлар. 15.00 Мультфильмлар. 15.25 «Йўқолган хазинани излаб». Бадиий фильм, 1-серия. 16.30 Янгиликлар. 16.40 «Йўқолган хазинани излаб». Бадиий фильм, 2-серия. 17.45 Музикали абонемент. 18.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.20 Концерт. 19.30 Салом, Аляска! 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Жаҳаннамга йўл». Бадиий фильм, 1 ва 2-серияллар. 00.50 Янгиликлар.

30 июль, якшанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Абитуриент-89». 10.40 Биргаликда куйлаймиз. 11.05 «Мусаффо осмон». Бадиий фильм. 12.45 Концерт. 13.45 Спорт программаси. 14.45 Китоб дўстлари. 15.20 Светофор. 16.00 «Уй-жой — 2000». 16.40 Реклама. 18.00 Қўшиғим, жон қўшиғим! 18.45 Одамга саёҳат. 20.00 Ахборот. 20.20 Реклама. 20.30 Мультфильм. 20.50 Якшанба оқшомида. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Оталар сўзи, ақлнинг кўзи.

МТ-I. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Болалар информацион публицистик программаси. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Здоровье. 15.45 Бугун — СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти куни. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.45 Мультфильм. 17.05 Камалак. 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 20.05 «Мехнора». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Салом доктор! 22.20 «Рой Кларк шоу».

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 «Узоқ Шарқ». 9.00 Фильм-концерт. 10.20 Қирғизистон телевидениесининг программаси. 11.10 Концерт. 11.20 Мультфильм. 11.30 Ансамбль. 11.40 Ҳужжатли фильм. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Концерт. 13.30 01 хизмати. 13.55 «Театр». Фильм-спектакль. 16.10 Мультфильм. 16.20 Баскетбол. АҚШ чемпионати. 17.20 СССР НИМ хабар қилади. 17.30 Ҳужжатли фильмлар. 18.10 Реклама. 18.15 Концерт. 18.30 «Кул ва олмос». Бадиий фильм. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.25 «Шарқий Сибир». 20.55 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Футбол. «Динамо» (М) — «Спартак». 23. 10 Спорт ҳамма учун. 23.25 Футбол (давоми). 00.15 Янгиликлар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-33-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-33-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 11847. Б. — 171. ИНДЕКС 64368. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12